O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INV.№

**Da'vat**

*Yoshlarning ongida qanday kayfiyat ustunligini aytsang, men senga keyingi avlodning tabiati qanday bo'lishini aytib beraman.*

*Edmund BERK*

Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ * ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ*

1931 йилдан чиқа бошлаган. 2002 йил 7 август, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 61(7464)

**Ibrat**

*Mirzacho'l tumanidagi qishloq xo'jalik kasb-hunar kolleji jamoasi tajriba xo'jaligidan unumli foydalanib, 2 million so'm daromad topdi. Foyda binoni ta'mirlashga va o'quvchilar ehtiyojiga sarf etildi. 16 nafar kam ta'minlangan oila farzandlari kiyim-kechak bilan ta'minlanadi. Mustaqillik bayramida bu yerda yangi tennis korti ishga tushirilishi rejalashtirilgan.*

## «УМИД» ЖАМҒАРМАСИ ГРАНТЛАРИ СОҲИБЛАРИГА

**Азиз ўғил-қизларим!**

**Авваламбор, мураккаб ва масъулиятли синовлардан муваффақиятли ўтиб, тараққий топган давлатлардаги энг нуфузли университетларда таҳсил олиш ҳуқуқини қўлга киритган ҳар бирингизни бағримга босиб, сизларга ўзимнинг самимий тилакларимни изҳор этмоқчиман.**

**Озод ва обод Ватанимиз бағрида камолга етиб, ўз ақл-заковати, истеъдодини тўла рўёбга чиқариш иштиёқи билан яшаётган сиздек ёш авлод вакилларини жаҳоннинг обрўли олий ўқув даргоҳларига кузатиш, оқ йўл тилаш менга ҳар сафар катта мамнуният бахш этади.**

**Чунки мен сизларнинг сиймонгизда Ўзбекистонимизнинг буюк келажагини, ота-оналарингиз, устоз-мураббийларингиз, бутун халқимиз қалбидаги эзгу ва олижаноб интилишларнинг ёрқин ифодасини кўраман.**

**Бугун сизларнинг зиммангизга мана шундай юксак ишончга муносиб бўлиш, жаҳон цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган буюк ватандошларимизнинг ворислари эканингизни амалда исбот этишдек улкан масъулият тушмоқда.**

**Қадим ва табаррук юртимиз тупроғига Хоразмий, Фарғоний, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби улуғ мутафаккир ва алломалар сочиб кетган илму маърифат уруғи бугун сиз каби минглаб ёшларимиз тимсолида янгитдан ҳосил бераётгани ҳар бир юртдошимизга юксак ғурур-ифтихор бахш этади.**

**Ишонаманки, сизлар ҳозирги замоннинг энг илғор ютуқларини пухта эгаллаб, орттирган билим ва тажрибаларингиз билан ўзингиз униб-ўсган, ҳаммамиз учун азиз ва муқаддас бўлган мана шу замин равнақи йўлида сидқидилдан хизмат қилиб, халқимиз, Ватанимиз олдидаги фарзандлик бурчингизни шараф билан адо этасиз.**

**Сизларни хорижнинг энг нуфузли билим даргоҳларида таълим олиш бахтига муяссар бўлганингиз билан яна бир бор қутлар эканман, узоқ ва хайрли сафар олдидан оқ йўл тилайман.**

**Юртимиз муҳаббати, халқимиз меҳри қалбингизни ҳеч қачон тарк этмасин. Эзгу мақсадлар сари ташлаётган қадамингиз қутлуғ бўлсин, Яратганимиз барчангизни ўз паноҳида асрасин.**

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОНИЯТ

Пойтахтимиздаги Банклар уюшмасининг муҳташам биносида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига мувофиқ ташкил этилган иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармасининг 2002-2003 ўқув йили грантлари совриндорларини қутлашга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Тадбирда грант соҳиблари, уларнинг ота-оналари, хорижий давлатларнинг юртимиздаги элчилари, олий ўқув юртлари раҳбарлари ва талаба ёшлар иштирок этди.

Маросимни Бош вазир ўринбосари "Умид" жамғармаси бошқаруви раиси Р.Азимов очди.

Давлатимиз раҳбарининг «Умид» жамғармаси грантлари соҳибларига йўллаган табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев ўқиб эшиттирди.

Ўтган давр мобайнида «Умид» йўлланмаси билан 785 нафар иқтидорли талаба АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония, Италия ва Канада сингари ривожланган мамлакатлардаги олий ўқув юртларига бакалаврлик ва магистрлик даражасини олиш учун ўқишга юборилди. Улар иқтисод, ҳуқуқ, информатика, компьютерлаштириш, табиий фанлар, қишлоқ хўжалиги ва бошқа кўплаб йўналишларда билим олмоқда.

Тадбирда юртимиз ёшлари миллатимиз маънавий-маърифий ва маданий салоҳияти, заковати ва ғурурини Ватанимиздан олисда ҳам муносиб намоён этаётгани таъкидланди. Зеро, улар жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган, дунё маданияти бешигини тебратган буюк аждодларимизнинг ворисларидир. Ҳозир ушбу йигит-қизларнинг 500 нафардан зиёди ўқишни муваффақиятли тамомлаб, мамлакатимиз вазирлик, идора, ташкилот ва корхоналарида самарали фаолият кўрсатмоқда.

Жамғарманинг 2002-2003 ўқув йили учун танлов синовлари ўтган йилнинг ноябрь ойидан бошланди ва халқаро андозаларга мос йўсинда амалга оширилди. 470 нафар даъвогардан 43 нафари чет эл олий ўқув юртларида магистратура дастури бўйича таълим олиш ҳуқуқига эга бўлди. Уларнинг аксарияти Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан бўлиб, имтиёзли диплом соҳибларидир. Бу эса юртимизнинг энг олис ва чекка ҳудудларида ҳам ёшларимизнинг билим олишга бўлган иштиёқи тобора ортиб бораётганидан далолатдир.

Бу йил «Умид» жамғармасининг ўқув базаси янада кенгайиб, Тошкент шаҳрида Халқаро Вестминстер университети ташкил этилди. Энди «Умид» грантлари совриндорлари бакалаврлик йўналиши бўйича ана шу илм даргоҳида Буюк Британиядаги таълим талаблари асосида таҳсил олади.

Маросимда Бош вазир ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ғуломова грант совриндорларига Президентимиз совғалари ва чет эл олий ўқув юртларида таълим олиш ҳуқуқини берувчи сертификатларни топширди.

Тадбирда 2002-2003 ўқув йили грантлари соҳибларининг Ўзбекистон Республикаси Президентига миннатдорлик мактуби қабул қилинди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**



**Суратда: "Умид" жамғармасининг 2002-2003 ўқув йили танлов синовлари ғолибларини муборакбод этишга бағишланган анъанавий тантанали маросимдан лавҳа. А.ТЎРАЕВ олган сурат.**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ*

## РЕСПУБЛИКАДА КИТОБ САВДОСИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

***Республика аҳолисининг бадиий, ижтимоий-сиёсий, илмий-маърифий адабиётга, мактаблар, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари ўқувчилари ва талабаларнинг янги авлод дарсликлар ва ўқув адабиётига бўлган эҳтиёжини қондириш, шунингдек китоб савдоси тизимини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:***

1. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва «Китобсавдо» акциядорлик жамиятларининг очиқ акциядорлик жамияти шаклидаги «Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компаниясини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

«Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компаниясига китоб маҳсулотларини етказиб бериш ва сотишни ташкил этишни мувофиқлаштирувчи функцияси юклансин.

2. Қуйидагилар «Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компаниясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

республика китоб бозори конъюнктураси маркетингини амалга ошириш, аҳолининг китобларга ва бошқа босма маҳсулотларга бўлган эҳтиёжлари мониторингини ташкил этиш, уларнинг натижаларини нашриётлар ва истеъмолчиларга етказиш;

китоб маҳсулотларига буюртмаларни шакллантириш, шунингдек дарсликлар ва ўқув адабиётига буюртмаларни шакллантиришда иштирок этиш;

республика ҳудудида китоб дўконлари тармоғини қулай тарзда жойлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

китоблар ва бошқа босма маҳсулотлар жойлардаги истеъмолчиларга ўз вақтида етказиб берилишини таъминлаш, шунингдек уларни сотишни ташкил этиш;

**(Давоми 2-бетда)**

**SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI**

**QAROR**

**Pul muomalasini yanada takomillashtirish, naqd pulsiz hisob-kitoblar tizimini kengaytirish, bankdan tashqari muomalani qisqartirish va soliq to'lashdan bo'yin tovlashning oldini olish maqsadida O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining «Pul mablag'larining bankdan tashqari muomalasini yanada qisqartirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi qarori chiqdi.**

**HUKUMAT KOMISSIYASI MAJLISI**

**Qishloq xo'jalik korxonalarini sanatsiya qilish masalalari bo'yicha hukumat komissiyasi navbatdagi majlisida sanatsiyaga tushgan qishloq xo'jalik korxonalarining 2002 yil birinchi yarmidagi moliya xo'jalik faoliyati hamda Vazirlar Mahkamasining shu yil 5 yanvardagi qaroriga asosan qishloq xo'jalik korxonalari bazasida tashkil etilgan fermer xo'jaliklariga xizmat ko'rsatuvchi infratuzilma ob'ektlari faoliyati yakunlari ko'rib chiqildi.**

**«SOCIALOOK INTERNATIONAL»DA YURTIMIZ HAQIDA**

**Xalqaro masalalarni yoritishga ixtisoslashgan, Hindistonda chop etiladigan «Socialook International» jurnalining navbatdagi sonida O'zbekiston haqida berilgan bir qancha maqolalar yurtimiz hayoti, ikkala mamlakat o'rtasidagi madaniy hamkorlik aloqalari to'g'risida batafsil ma'lumot beradi.**

**YOZGI MAKTABDA XAVFSIZLIK MASALALARI**

**Markaziy Osiyo resurs markazida Ochiq jamiyat institutining oliy ta'limni qo'llab-quvvatlash dasturi bilan hamkorlikda tashkil etilgan, siyosiy nazariya va falsafa hamda Markaziy Osiyoda milliy xavfsizlik metodologiyasi va strategiyasi yo'nalishlari bo'yicha ish yuritadigan yozgi maktabda ishtirok etadigan mazkur hudud oliy o'quv yurtlarining 56 nafar o'qituvchilariga AQSH, Buyuk Britaniya, Rossiya, Germaniya davlatlaridan tashrif buyuradigan mutaxassislar saboq berishadi, deya xabar beradi «Turkiston-press».**

**ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:**

**МАГИСТРАНТ БЎЛМОҚЧИМИСИЗ?** 2-бет

**КУТУБХОНА МАКТАБНИНГ АХБОРОТ МАРКАЗИ** 3-бет

**САНАЛАР, ВОҚЕА-ҲОДИСАЛАР, ТАҚДИРЛАР ВА МАНБАЛАР** 4-5-бетлар

**ҚАБУЛ ДАВОМ ЭТМОҚДА** 6-бет

**ИРОҚ ДУНЁ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА** 7-бет

**"ҲАЙРАТ" КРОССВОРДИ** 8-бет

## БОЛАЛИК САЛТАНАТИНИНГ ХАЗИНАСИ

### ёхуд миллий ўйинчоқлар орзусидаги мулоҳазалар

**Muammo**

Хонадонда фарзанд дунёга келиб, бешикдаги чақалоқнинг жарангдор чинқириғи янграб, бахтиёр онанинг маъсум алласи эшитилганидан бошлаб шу оилада бола дунёси учун керакли муҳит шакллана бошлайди. Бу муҳитда бола учун онаси, она сути, иссиққина бешигидан сўнг энг қадрдон нарсалар унинг ўйинчоқлари бўлади. Ҳали эндигина ташқи дунёни таниётган бола шу ўйинчоқларини ўйнаб, илк тасаввурларини ҳосил қилади. Олайлик, чақалоқлик даврида болажон ҳар хил товушлар чиқарувчи, ушлаш учун қулай бўлган ҳамда қаттиқ тегмайдиган ўйинчоқлар билан овунади: йиғлаганда унинг товушидан диққати чалғиб, йиғидан тўхтайди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан боланинг гўдаклик даври ҳам тугаб, энди ҳамма нарсага ўзи ҳаракат қила бошлайди: озми-кўпми, ўзига хос "тилда" гапиради, атроф-муҳитдагиларга тақлид қилиб, уларга ўхшагиси келади. Бинобарин, у ўз ўйинчоқларидан ҳам кўп нарсани ўрганади. У энди "товус кўзли шиқилдоғу", "йиғлайдиган" кичкинагина резина айиқча билан ўйнамайди. Қизалоқ бўлса чиройли қўғирчоқлар, ошхона буюмлари, ҳар хил рангли ўйинчоқларга, болакай бўлса, турли самолёт, от, автомобилчаларга қизиқа бошлайди. Айни дамда ота-она фарзандини болажонларнинг беғубор кошонаси бўлмиш мактабгача таълим муассасасига етаклаб келади. Шу кундан бошлаб боланинг асосий куни ана шу ерда ўтади.



Боғчада эса овунтирувчи омил ҳам, машғулотлар ашёси ҳам, кўргазмали воситаларнинг асосий қисми ҳам ўйинчоқ бўлади. Хусусан, ухлатишда ҳам ўйинчоқларни уларнинг бағрига бериб қўямиз. Ҳатто эртакларни-да, кичкинтойлар тасаввурига ўйинчоқлар орқали сингдирамиз. Хўш, шундай экан, бола дунёни ўйинчоқ билан танишини билганимиз ҳолда, биз катталарнинг бу борадаги амалий ҳаракатлари қандай бўлиши керак?

Юқорида бола дунёни ўйинчоқлар орқали танийди дедик. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, у ўз туғилиб ўсган юртининг ўзига хослигини, қадриятларини ҳам илк давридан бошлаб шу ўйинчоқлардан кўриб ўрганади. Демакки, ҳар хил усулда ясалган ўйинчоқлардан ташқари халқнинг миллийлигини акс эттирувчи, яъни шу миллатнинг ўзигагина хос ва мос бўлган ўйинчоқлар ҳам боланинг ўсиб-улғайишида катта аҳамиятга эга. Айнан шу миллий ўйинчоқлар борасидаги мулоҳазаларимизни кузатувларимиз асосида келтирсам.



**(Давоми 2-7-бетларда)**

*Электрон кутубхонамиз компьютерларида профессор-ўқитувчиларнинг маърузалари матнлари сақланади. Талабалар истаган пайтларида улардан фойдаланишлари мумкин.*

*Ҳар бир боланинг ўйинчоқ ўйнашга ҳаққи бор, лекин бунга ота-онанинг, боғчанинг иқтисодий муаммолари йўл қўймаса-чи?*

(Давоми. Боши 1-бетда)

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

# РЕСПУБЛИКАДА КИТОБ САВДОСИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

китоб маҳсулотлари кўргазма-ярмаркалари ташкил этиш, шунингдек халқаро ярмаркаларда қатнашиш.

3. Қуйидагилар:

«Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компаниясининг ташкилий тузилмаси;

ходимларининг чекланган сони 18 нафар бўлган (хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари) «Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компаниясининг ижро этувчи аппарати тузилмаси маъқуллансин.

Белгилансинки, «Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компанияси ижро этувчи аппарати харажатлари унинг хўжалик фаолиятидан олинган даромадлар ҳисобига таъминланади.

4. Белгилаб қўйилсинки, «Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компаниясининг устав фонди «Китобсавдо» ҳудудий акциядорлик жамиятларининг акциялари давлат пакетлари, шунингдек «Ўздавкитобсавдотаъминоти» акциядорлик жамияти мол-мулкининг бир қисми ҳисобига шакллантирилади.

5. «Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компаниясини ташкил этишга доир комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш учун махсус комиссия ташкил этилсин.

Махсус комиссия бир ой муддатда «Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компаниясини ташкил этишга доир ташкилий чора-тадбирларни амалга оширсин, таъсис ҳужжатлари ишлаб чиқилишини, устав фонди ва муассисларнинг улушлари миқдорлари белгиланишини, таъсис йиғилиши ўтказилишини ва компания устави белгиланган тартибда тасдиқланишини таъминласин. Амалга оширилган ишлар ҳақида Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ҳокимликлари, «Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бир ой муддатда шаҳарлар ва туманларда қўшимча равишда очиладиган янги китоб дўконлари жойлаштирилишини белгиласинлар ва уларни китоб маҳсулотларини сақлаш ва сотиш учун ёруғли бўлган бинолар билан таъминлаш масалаларини ҳал этсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси китоб дўконлари очиш учун давлат мулки ҳисобланган бинолар тақдим этилган тақдирда, 2002 йил охиригача уларни қайта баҳоласин ва «Китобсавдо» ҳудудий акциядорлик жамиятларининг устав фондларидаги давлат улуши тегишлича кўпайтирилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, вазирликлар ва идоралар 2002/2003 ўқув йили бошлангунга қадар тегишли ўқув юртлари ҳудудларида мазкур ўқув юртининг йўналишига ихтисослаштирилган китоб савдоси шахобчаларини очсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси «Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компанияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда илгари хусусийлаштирилган китоб дўконлари томонидан савдо ихтисоси сақлаб қолиниши тўғрисида тузилган шартномаларга риоя этилишини хатловдан ўтказсин. Қоида бузилиши аниқланган ҳолларда айбдор шахсларга нисбатан мулкка эгалик ҳуқуқини берувчи давлат далолатномасидан белгиланган тартибда маҳрум қилишгача бўлган қонун ҳужжатларида назарда тутилган чора-тадбирлар қўллансин.

9. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, «Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компанияси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда китоб маҳсулотларига буюртмаларни шакллантириш механизмини ишлаб чиқсинлар ва белгиланган тартибда тасдиқласинлар.

10. «Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компанияси, Республика «Маънавият ва маърифат» кенгаши, Маданият ишлари вазирлиги, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази республика нашриётлари билан биргаликда бир ой муддатда:

аҳоли, айниқса, ёшлар орасида миллий ва жаҳон адабиётининг энг яхши намуналарини кенг тарғиб қилиш;

бадиий, ижтимоий-сиёсий ва илмий-маърифий адабиётга бўлган талабни мунтазам ўрганиш;

китоб маҳсулотлари мамлакатимиз нашриётлари томонидан чоп этилишини кенгайтириш ҳисобига аҳолининг мавжуд эҳтиёжини қондириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсинлар.

«Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компанияси Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда республикада ва чет элда босиб чиқарилаётган бадиий, ижтимоий-сиёсий, илмий-маърифий адабиётлар, шунингдек, мактаб ўқув анжомлари ва кўргазмали қўлланмаларнинг ярмарка-кўргазмалари мунтазам ўтказилишини (бир йилда камида бир марта) таъминласин.

11. Белгилансинки, китоб савдоси улгуржи ташкилотлари қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод этилади.

12. «Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компанияси Тошкент шаҳар, А.Навоий кўчасидаги 30-уйга жойлаштирилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклиф киритсин.

14. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Султонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри, 2002 йил 3 август*

## Ma'rifat МАСЛАҲАТХОНАСИ

***Савол: Ўрта мактаб ўқитувчиси бир неча йил олдин мактабда 10 йил ўқитувчи бўлиб ишлаган, кейинчалик ҳеч қаерда ишламаган ёки бошқа ишга ўтган, пенсия ёшига 5-10 йил бор шахслар имтиёздан фойдалана оладиларми?***

***Қашқадарё вилояти, Китоб тумани, Варганза қишлоғи Турсунали Маҳмадиев.***

***Савол: Мутасадди раҳбарлар имтиёз тўғрисидаги фармонлар бекор қилинган дейишяпти, шу тўғрими?***

***Муборак тумани, А.Қурбонов.***

***Савол: Болалар ва ўсмирлар ижодий марказида ишловчи директор, директор ўринбосари, услубчи, тўгарак раҳбарларига бериладиган газ, электр энергияси, сув учун) имтиёзлар ҳозирги кунда амалдами?***

*Жавоб: Шундай савол билан жиззахлик Абдулхамидов У, ҳам бизга мурожаат этган эди. Бу саволларга "Маърифат" газетасининг 2002 йил 3 апрелдаги сонида (25 /7428) тўлиқ жавоб берилган.*

***Савол: 1.Ўзбекистонда нодавлат институтлар рўйхатдан ўтганми? 2. Қувасой тадбиркорлик ўқув илмий ишлаб чиқариш маркази олий маълумотли бакалавр мутахассислар тайёрлар экан. Шу тўғрими?***

***Андижон шаҳри. Жалолов. М.***

*Жавоб: 1. 1989 йил ўз фаолиятимни бошлаган Г.Р.Блехаров номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг Тошкентдаги филиалида талабаларнинг 100 фоиз шартнома асосида таҳсил оладилар ва нодавлат институт сифатида рўйхатдан ўтган.*

*2. Қувасой тадбиркорлик ўқув илмий-ишлаб чиқариш маркази ўрта махсус билимга эга бўлган мутахассислар тайёрлайди. Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 июлдаги 55-қарори асосида лицензия олиб, иш бошлаган, 5та факультетда талабалар ўқишади: ҳуқуқ, божхона, бухгалтерия ҳисоби, иқтисод ва молия.*

**Ажиниёз номидаги Нукус Давлат педагогика институтида яқинда илмий-электрон кутубхона очилиб, 10 та компьютер ўрнатилди. Янги кутубхонанинг афзалликлари нималардан иборат? Бу ҳақда ушбу зиёхона мудираси Қ.Наврўзбоева шундай изоҳ беради:**

# ИЛМИЙ-ЭЛЕКТРОН КУТУБХОНА

**— Институтимизда 12 мингдан ошиқ талаба таҳсил олади. Уларнинг билим доирасини кенгайтириш ва мустаҳкамлашда ҳамда етук мутахассислар қилиб тайёрлашда ҳозирги замон мўъжизаларидан бири — компьютер техникаларидан фойдаланишни яхшилаш муҳим аҳамиятга эгадир. Электрон кутубхонамиз компьютерларида профессор-ўқитувчиларнинг маърузалари матнлари сақланади. Талабалар истаган пайтларида улардан фойдаланишлари мумкин. Профессор-ўқитувчилар фаолиятининг самарадорлигини оширишда ҳам электрон кутубхона қўл келмоқда. Ҳозирча 40 ўринлик залимиз бор.**

**Кутубхоначиларимиздан Гулчеҳра Дониёрова, Бибихон Муятдинова ва бошқалар профессор-ўқитувчилар ҳамда талабаларга сидқидилдан хизмат қилишмоқда.**

**Ғойиб ЁҚУБОВ**

# МАГИСТРАНТ БЎЛМОҚЧИМИСИЗ?

**Jarayon**

Диплом қўлга тегди, бакалаврлик дипломи. Бу билан кифояланиш ҳам, кифояланмаслик ҳам мумкин, кадрнинг ихтиёри ўзида. Кимдир ўз соҳаси бўйича ишлашни ихтиёр этса, кимдир таълимини магистратурада давом эттиргиси келади.

Айни кунларда барча олий таълим муассасаларининг магистратура босқичига синовлар бошланди. Жумладан, Тошкент автомобил йўллари институти магистратурасига ҳам ҳужжатлар шу йилнинг 1 июлидан эътиборан қабул қилина бошланди.

16 та мутахассислик бўйича 103 нафар талаба қабул қилиш мўлжалланган бўлса, даъвогарлар 164 киши. 103 та ўриннинг 35 тасини давлат гранти 68 тасига тўлов-контракт асосида қабул қилиш режалаштирилган.

Магистратурага қабулни ташкиллаштиришнинг ўзига хос тартиб-қоидаси Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан 2002 йил 14 июндаги 2-сон баёни билан тасдиқланган Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари магистратурасига қабул қилиш тартиби ва қоидалари тўғрисида"ги Низомда акс эттирилган.

Институт магистратурасидаги маркетинг менежмент, тармоқ иқтисодиёти мутахассисликларига даъвогарлар кўпроқ бўлиб, бир ўринга 4-5 киши тўғри келади. Бундан ташқари, автомобиллар, ички ёнув двигателлари, транспортда юк ташишни ташкил этиш ва бошқариш, халқаро юк ташиш, автомобил йўллари мутахассисликлари ҳам ўзининг бўлғуси магистрантлари учун танловни бошлаб юборди.

Шундай қилиб, бугун 164 нафар талаба учун илк синов куни. Мутахассислик фанларидан бўлаётган имтиҳонларда нафақат мазкур институт бакалаврлари, балки ихтисослиги мос тушадиган Жиззах политехника, Наманган муҳандислик-иқтисодиёт, Тошкент архитектура-қурилиш институтлари ҳамда Тошкент Давлат Техника университети битирувчилари ҳам ҳужжат топширишган.

— Мутахассислик имтиҳонларининг жиддий тартибда ўтишини таъминлашга ҳозирлик ҳам жиддий бўлди, — дея ҳикоя қилади институт магистрантлар ва иқтидорли талабалар билан ишлаш факультети декани Абдунаим Облоқулов. — Кафедралар томонидан талабаларнинг бакалаврлик даврида эгаллаган билимлари маълум дастурлар асосида тақсимлаб чиқилди. Шундан сўнг ҳар бир талабага ўз мутахассислиги доирасидаги 5 тадан савол ҳавола этилди. Бунга қадар, талабаларга саволларнинг қай тартибда, қандай мазмунда тушиши бўйича консультациялар ҳам олиб борилди.

Энди билимни баҳолаш мезонлари қандай, деган савол кўндаланг туради. Ҳар бир тўғри жавоб 20 баллик натижага тенг бўлиб, агар имтиҳон топширувчи чалкашликларга йўл қўйса, балл миқдори камаяди. Натижаларни кўздан кечириш, билимни баҳолаш махсус тузилган профессор-ўқитувчилар гуруҳи томонидан текширилади. Агар талаба 100 баллни тўлиқ тўпласа, магистрантликка қабул қилинади.

Кейинги синов "Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва асослари"дан. Ёшларнинг Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатидан қанчалик хабардорлиги худди юқоридаги тартиб яъни 100 баллик тизимда синаб кўрилади.

Кимнинг қандай натижани эгаллагани август ойининг ўрталарида маълум бўлади. Шубҳасиз, бакалаврликда билимни мукаммал эгаллаганлар кейинги босқич имтиҳонларидан ҳам муваффақиятли ўтишади.

**Хулкар ТЎЙМАНОВА**

# БОЛАЛИК САЛТАНАТИНИНГ ХАЗИНАСИ

## ёхуд миллий ўйинчоқлар орзусидаги мулоҳазалар

(Давоми. Боши 1-бетда)

### ЭЪТИҚОД ТАРБИЯЧИЛАРИ

Бундан икки йил муқаддам Ўзбекистон Давлат санъат музейида япон миллий ўйинчоқларининг кўргазмаси ўтказилган эди. Биз томошабинларда шу ўйинчоқларни кўриб, кунчиқар мамлакат халқининг миллий кийимлари, чолғу асбоблари, аёллар ва эркакларининг меҳнат қуроллари, эртаклари қаҳрамонлари ҳақида тушунча ҳосил бўлган. Ҳар бир ўйинчоқ ва улардаги деталларни изоҳлай туриб, Сака Яна Тзю хоним шундай деган эди:

— Японияда инсон сиҳат-саломатлиги ва шу саломатлик посбонлари бўлган шифокорлар қанчалик улуғланса, миллий ўйинчоқлар ва уларни "дунёга келтирадиганлар" ҳам шу қадар ҳурматланадилар ва кези келганда, рағбатлантириладилар. Чунки, авлод жисмонан соғлом бўлса-ю, маънан носоғлом ўсса, бундан ҳеч қандай наф йўқ. Шунинг учун ҳам бола маънавий озуқа оладиган шу жонсиз ўйинчоқлар миллийликнинг тириклиги ҳисобланади. Мен айтаётган гаплар баландпарвоз ваъз эмас. Кўпчилик ҳолларда "майда-чуйда" деб унчалик эътибор берилмайдиган бу нарсаларда улкан асос бор. Асос бўлганда ҳам қадриятларнинг асоси. Мана, бир мисол. Бола қўлидаги ўйинчоғига ҳаддан зиёд меҳр қўяди. Ўзининг кийимларию, соч турмаклари ҳам уникига ўхшашини орзу қилади. Бинобарин, миллийлик қуруқ сўзлар билан эмас, болаликнинг ёрқин тимсоли билан сингдирилганда, бола кўр-кўрона ёт таъсирлар орқасидан эргашиб кетмайди. Шу кабиларни умумийлаштириб айтишим мумкинки, сиз кўриб турган миллий ўйинчоқларимиз япон боласини ЭЪТИҚОДЛИ қиладиган, ИРОДАСИНИ мустаҳкамлайдиган, ВАТАНИГА муҳаббатини оширадиган бебаҳо хазина саналади.

Ҳақиқатан ҳам содда ва равон, айни пайтда ҳаётий ҳақиқатдан узоқлашмаган ҳолда билдирилган бу фикрларга эътироз ёхуд изоҳ бериш талаб қилинмайди. Аксинча, эътиқод тарбиячиларига бўлган шундай ишонч ва эътибордан андоза олиш кони фойда бўлади.

### МИЛЛИЙ ЎЙИНЧОҚЛАР — МУЗЕЙЛАРДА

Мактабгача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш республика курси биносига кираверишингизданоқ қатор миллий ўйинчоқларга кўзингиз тушади. Ичкарида эса алоҳида, катта бир хона ўйинчоқлар музейига айлантирилган.. Ўйинчоқларга лиқ тўла бу мўъжазгина музейда "Зумрад ва Қиммат", "Хасис бой", "Олтин тарвуз" каби жуда кўплаб ўзбек халқ эртакларининг қаҳрамонларини дейсизми, жаҳлдор хўрозчаю сопол ўйинчоқчалар дейсизми, ҳамма-ҳаммасига болажонларимизга яхшиликдан сабоқ берадиган, ёмонликдан хазар қиладиган тарзда ишлов берилган. Айниқса, Ғиркўк отнинг устида қалин камарли, кирза этикли Алпомишнинг тик ўтириши ва унга қараб Барчинойнинг қирқ кокилини олдига ташлаганича косада қимиз тутиб, таъзим билан туриши ифодаланган ўйинчоқларни кўриб, қани энди, ҳар бир ўзбек боласининг қўлида шундай Алпомишу Барчинойлари бўлса, деган фикр кўнглингиздан ўтиши, табиий. Яна соф ўзбекона усулда ясалган отга қўшилган арава, унинг устида ўтирган зарбоф тўнли чол, хуржин тўқиётган кампир, атлас ёпинчиқли бешик, ўймакор сандиқлардан иборат ўйинчоқлар композицияси нафақат болажонларни ўзига тортади, балки катталарни ҳам қизиқтириб қўяди. Худди шундай ўйинчоқлардан бу ерда жуда кўп. Бир-бирига ўхшамас бу ўйинчоқлардан музей "ясаш" ҳам унчалик осон кечмаган. "Севимли ўйинчоқлар" кўрик-танловида босқичма-босқич саралаб олинган, тарбиячилар ўз қўллари билан яратган, энг қулай намунадаги ва энг асосийси, оммавий ишлаб чиқариш учун мос бўлган миллий ўйинчоқлар бу ердан ўрин олган. Балки уларнинг кўпчилиги мазкур йўналиш мутахассисларининг талабларига тўлиқ жавоб бера олмас. Лекин, ҳарҳолда ўйинчоқлар яратиш ижодкорлигига қадам ташланган. Бу, албатта, қувонарли ҳол. Лекин... Минг афсуски, улар музейларда ягона илинж бўлиб туюлаётган тадбиркору ишбилармонлар қадамини "пойлаб", болажонлар қўлларига етиб бормаётганликларидан, қуруқ матоҳ бўлиб турганликларидан орланиб, озорланиб, бизнинг ҳам нусхамиз кўпайиб, қизиқ-қизиқ ўйинлар қаҳрамонларига айланармикинмиз, дея жонсиз нигоҳларини тикиб тургандай гўё.

Ваҳоланки, миллий ўйинчоқлар санъат асари сифатида музейларда хорижлик меҳмонлар учунгина бой меросимиз тарғиботчилари сифатида туриши мумкин. Аммо ўз фарзандларимиз учун улар "экспонат" ёки кўргазма эмас, қўлларидаги шахсий "мулк"и бўлиши керак!

### ЭЪТИБОРТАЛАБ МАСАЛА

Чилонзор тумани халқ таълими бўлими тасарруфидаги 261-"Лайлакча" мактабгача таълим муассасида ҳам миллий ўйинчоқлар борасида талайгина ишлар қилинаётганлигини эшитиб, шу масканга йўл олдим. Бу муассасадаги катта бир хона миллий ўйинчоқлар, кийимлар, шоҳи сўзаналару қўлда тўқилган гиламчалар, ўймакор курсичаю сандалчалар ва сопол ўйинчоқлар билан безатилган. Эътибор қиладиган бўлсангиз, уларнинг кўпчилиги моҳирлик билан қўлда тикилган. Ҳар соҳада бўлгани каби тарбиячилардан ҳам тадбиркорлик талаб этилаётган бир пайтда янгиликка интилиб



иш тутаётган "Лайлакча"-нинг мудираси Дилобар Атоева ёш бўлса-да, шижоаткорлик билан миллий ўйинчоқлар тақчиллигига барҳам бериш имконини топаётган экан. Жумладан опа шундай дейди:

— Ўтган йили "Севимли ўйинчоқлар" кўрик-танловида иштирок этганимиздан бери бош қотираман. Яқинда боғчамизга хоразмлик ёш томошабинлар театри жамоаси келиб, болажонларга қизиқ эртаклардан саҳна кўринишлари қўйиб беришди. Улардаги ортиқча ўйинчоқларни ҳисобимиздан 20 минг сўм пулни ажратиб, сотиб олдик. Ҳозир ҳамма тарбиячиларимиз ўйинчоқлар тикишга, ясашга уста бўлиб кетишган. Чунки улардан иккитаси шаҳар қўшимча таълим марказида фаолият кўрсатадиган қўғирчоқларни ясаш бўйича тўгарак машғулотларида қатнашиб, у ерда ўрганганларини ўз жамоадошларига ўргатмоқдалар. Биргина шунинг орқасидан ҳам анчагина ўйинчоқли бўлиб олдик. Қолаверса, ҳар хил каштаю, қўлда тўқилган буюмларни ҳам боғчага олиб келяпмиз. Сабаби, ўйинчоқлар борасида боғчада, умуман, бола тарбиясида бўшлиқ бўлиши мумкин эмас. Айтмоқчиманки, ўйинчоқларнинг ишлаб чиқарилишига эътиборни қаратадиган вақт аллақачон етиб келган. Тўғри, тарбиячилар имкони борича ўтаётган машғулотларига хос кўргазмали қуролларни тайёрлашади. Бироқ қўл меҳнатида имкониятлар чеклангани боис, биз фақат юмшоқ ўйинчоқлар ва мевалардан ясалган дидактик кўргазмаларга кучимиз етади, холос. Ваҳоланки, болаларнинг бармоқларини ёзувга тайёрлаш учун, жисмоний машғулотлар учун, сайр пайтлари учун ва яна мозаикали, сенсор ўйинчоқлар ҳам керакки, улар боланинг ақлий, жисмоний ривожланишида муҳим ўрин тутади.

Дилобар опанинг куйиб-пишганича бор. Ҳақиқатан ҳам ўйинчоқларни ишлаб чиқариш бугуннинг эътиборталаб масалаларидан. Лекин, шу ўринда мен яна бир нарсани таъкидлаб ўтмоқчиман. Шиддаткор ривожланишлар бўлаётган бир пайтда ўйинчоқлар турлари, хиллари ҳам кундан-кунга кўпайиб бораяпти. Ота-оналар, тарбиячилар улардан тўғри фойдаланишни фарзандларимизга ўргатиш учун, аввало, ўзимизнинг ўйинчоқлар тўғрисидаги тушунчаларимиз етарли бўлиши керак. Айнан шу ўйинчоқлар ҳақидаги тарбиячилар билимларининг етишмаслиги яқиндагина бўлиб ўтган "Йил тарбиячиси—2002" кўрик-танлов фестивалининг "Ўйин— ҳаёт сабоғи" деб номланган шартида яққол кўзга ташланди. Мисол учун, қатнашчи тарбиячилар:

— Илк ёшли гуруҳ болаларига мос қўғирчоқларни топинг, улар билан қандай ўйнаш мумкин?

— Ўрта гуруҳ болалари учун дидактик ўйинчоқларни кўрсатиб, нима учун уни танлаганингизни тушунтириб беринг.

— Дидактик ва сенсор ўйинчоқларни топинг. Уларнинг бола тарбиясидаги аҳамияти қандай ва қайси гуруҳ болаларига мўлжалланган каби мутахассис учун энг осон саволларга рисоладагидек жавоб бера олишмади...

Биз биламизки, "Учинчи мингйилликнинг боласи" таянч дастури, "Болангиз мактабга тайёрми?" қўлланмаларида ўйинчоқлар ҳақида керакли маълумотлар берилган. Шундай бўлса-да, юқоридагидек ўйинчоқлар борасидаги билимларимиз сифатининг ижобий бўлмаган ҳолатини бартараф этиш учун қилаётган саъй-ҳаракатларимизни кучайтириб, мактабгача таълим ходимларининг малакасини оширишда ва Республика Таълим маркази томонидан айни шу соҳа мутахассислари учун ишлаб чиқилган услубий тавсияларда ўйинчоқлар борасидаги ўргатув ишлари изчил амалга оширилмоғи лозим. Зеро, тарбиячиларимизнинг ўзлари ўйинчоқларни яхши тушунишгандагина боланинг ўйин фаолияти мақсадли ўтади.

### "ПИНОККИО"ГА МИЛЛИЙ ЎЙИНЧОҚЛАР КЕРАК

Ҳар гал ўйинчоқлар расталарига борганимда, сотувда ўзимизнинг миллий ўйинчоқлар ҳам бормикан, деган илинж билан назар ташлайман. Афсуски, ҳеч учратмайман! Бугун ҳам мазкур мақола таҳлилига чуқурроқ киришиш мақсади билан пойтахтимиздаги энг катта ўйинчоқлар дунёси бўлган "Пиноккио"-га келдим. Магазинда йўқ ўйинчоқнинг ўзи йўқ. Фақатгина миллий ўйинчоқлардан ташқари Италия, Таиланд, Мексика, Дубай, Хитой каби олис мамлакатлардан келтирилган 4 мингдан зиёд ҳар хил турдаги ўйинчоқлар бор. Уларнинг нархи билан қизиқаман. (Истеъмолчи учун бу муҳим жиҳат). Баҳоси 50-60 минг сўмгача борадиган, жуда сифатли, бола учун қизиқарли ўйинчоқлар бор. Диққатимни кираверишдаги пештахтага териб қўйилган евроандозадаги қўғирчоқлар тортди. Сариқ сочу кўк кўзли бу қўғирчоқларнинг кийимлари ҳам ўта нафис ва бежирим. Улар Италиядан келтирилган бўлиб, нархи 24 минг сўмдан 38 минг сўмгача экан. Фурсати келганда бир фикр. Ҳар бир боланинг ўйинчоқ ўйнашга ҳаққи бор, лекин бунга ота-онанинг, боғчанинг иқтисодий муаммолари йўл қўймаса-чи? Очиғини айтиш керакки, ҳар бир ота-она ёки ҳар бир боғчанинг бундай ўйинчоқлардан кўпгинасини сотиб олишга имконияти йўқ. Хуллас, яна шароит худди шундай хорижникидан қолишмайдиган, арзонроқ бўлган ўйинчоқларни ўзимизда ишлаб чиқарилишини тақозо этаяпти. Бу тўғрида "Пиноккио" магазини ходими Холмат Мирсоатов шундай дейди:

(Давоми 7-бетда)

# КУТУБХОНА — МАКТАБНИНГ АХБОРОТ МАРКАЗИ

**Рисбой ЖЎРАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири**



***Муҳтарам кутубхоначи зиёкорлар!***

***Китоб – халқ мулки!** Ана шу бебаҳо маънавий бойликдан зиёлиларни, ўқувчи-ёшларни баҳраманд этишни кўнгилдагидек ташкил этишда куни кеча қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республикада китоб савдоси тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори айни муддао бўлди. Шу ўринда мактаб кутубхоналарининг тутган ўрни ва кутубхоначиларимизнинг вазифаси ҳам катта, албатта.*

***Республикамизда мактаб кутубхонаси тармоғи кенгайиб, адабиётлар билан бойиб бормоқда. Турли-туман китобларни ёш китобхонлар эътиборига ҳавола қилиш, шу орқали уларнинг билим ва маънавиятини ўстириш сизларнинг ишчанлик фаолиятингизга кўп жиҳатдан боғлиқдир.***

***Замонавий таълим ва тарбия даражаси ўқувчиларнинг китобхонлик савияси билан уйғун ҳолда ошиб бораётганлиги бизга яхши маълум. Зеро, бирон бир ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам ўзини кутубхонасиз тасаввур қилолмайди. Сиз зиёкорларнинг билим ва малакангиз ўқув-тарбиявий жараённи ахборотли ҳужжатлар билан таъминлаш, китоб ва китобхонлик негизида турли оммавий тадбирларни ўтказиш имконини беради. Сизлар бу саъй-ҳаракатингиз билан мактаб педагогик жамоасининг садоқатли аъзоларига, маъмуриятнинг жонкуяр ёрдамчиларига айланасизлар деб умид қиламан.***

***Таълим-тарбия соҳасида кутубхоначилик ишини ташкил этишда кўпгина муаммолар юзага келмоқда. Булар комплектлаштириш учун молиявий маблағларнинг етарли эмаслиги, мактаб кутубхоналари кўнгилдагидек автоматлаштирилмаганлиги, кўпчилик кутубхоналарда уларнинг йўқлиги билан белгиланади. Таълимни бошқариш органлари олдида мактаб кутубхоналарининг жаҳон даражасидан орқада қолаётганлиги сабабларини атрофлича кўриб чиқишдек муҳим вазифалар турибди.***

***Ишончимиз комилки, Ўзбекистон Республикасидаги мактаб кутубхоналари вақти келиб мактабларнинг ҳақиқий ахборот марказларига айланади, замонавий тараққиёт йўлидан бориш баробарида жаҳон ахборот тизимига дадил кириб боради.***

***Халқимизнинг тафаккури ва сиёсий савияси, маънавияти тобора ўсиб, жамиятимизда соғлом қарашлар мустаҳкамланиб бораётган ҳозирги шароитда, ҳеч шубҳа йўққи, мактаб кутубхоналари фаолияти кенг йўлга қўйилади.***

***Август кенгашлари олдидан Сизларга мустаҳкам соғлиқ, ижодий муваффақиятлар тилайман. Кутубхоначилик касбингиз Сизларга фахрланиш ва қувонч ҳиссини бахш этсин!***

***Республикамиз таълим тизими бевосита жаҳон таълим тизимидаги янгиликлар, ўзгаришлар ва илғор педагогик технологиялар эвазига янада такомиллашиб, замонавийлашиб бораверади. Бу ўринда эса таълим-тарбия муассасаларининг қанчалик даражада ана шу манбалар, ахборотлар билан таъминланганлиги ҳамда самарали информациявий тизимга эгалиги муҳим аҳамият касб этади. Кутубхоналар эса мактабларда асосий ахборот манбаи сифатида ўқитувчиларнинг илмий-методик жиҳатдан тайёргарлигини оширишда, ўқувчиларнинг мавзуларни чуқурроқ ўзлаштиришини таъминлашда, қолаверса, ёшларимиз маънавий тарбиясини оқилона ташкил этишда камарбаста бўладиган маконга айланмоғи керак.***

***Республика илмий-педагогика кутубхонаси ходимлари томонидан ўқитувчиларнинг анъанавий август кенгашлари учун тайёрланган тавсиялар мактаб кутубхоналари фаолиятини юқорида таъкидланган йўналишларга мос ҳолда ташкил этиш ва уларни нафақат китоб ўқиладиган жой, балки турли хил оммавий тадбирлар ўтказиладиган, ўқувчилар билан доимий гавжум бўладиган зиё масканига айлантиришга кўмаклашади.***

# КАСБИЙ МАҲОРАТИМИЗНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАМИЗ

Шу йил 19-21 июнь кунлари Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз ва Китоб туманларида мактаб дарсликлари кутубхона фонди методистларининг республика илғор тажриба мактаби машғулоти бўлиб ўтди. Машғулотни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад қатнашчиларнинг мактаб кутубхоналари ҳамда уларнинг китоб фондини шакллантириш ва фойдаланиш бўйича касбий маҳоратларини такомиллаштириш, китобларни ҳисобга олиш ва сақлашни ўрганиш масалаларини муҳокама қилишдан иборат эди.

Илғор тажриба мактаби машғулотини ўтказишда туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари методика кабинетлари кутубхоналари китоб фондини шакллантириш ҳамда халқ таълими ходимларига ахборот-библиографик хизматни уюштириш масалаларига эътибор қаратилди.

Йиғилишнинг ялпи мажлисида Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармасининг етакчи мутахассиси Д.Жалилов сўзга чиқиб, вилоят мактаблари кутубхоналарининг бугунги аҳволи ҳақида батафсил тўхталди, китоб фондини комплектлашда йўл қўйилаётган камчиликлар, уларни бартараф қилиш тадбирлари тўғрисида гапирди.

Машғулотнинг амалий ишлари Шаҳрисабз туманидаги 98-, 100-мактаблар кутубхоналари ҳамда Китоб туманидаги 1-, 3-мактаб кутубхоналарида амалга оширилди.

Матбуот нашрлари бўйича кутубхона ҳужжатларини юритиш, китобхонларга хизмат кўрсатиш, китоб фондини сақлаш ва текшириш, кутубхона ишларини замонавий босқичда режалаштириш каби масалалар ҳам ўрганилди. Юқорида кўрсатиб ўтилган мактаб кутубхоналарида болалар китобхонлигининг аҳволи ўрганилиб, ўқувчилар билан тарбиявий ишларни олиб бориш бўйича амалий машғулотлар ташкил этилди. Тематик китоб — иллюстратив кўргазма, газета ва журнал мақолалари бўйича папка, буклетлар ташкил этилиб, библиографик обзорлар, семинарлар ўтказилди.

Китоб фондидан фойдаланиш иш шакллари бўйича Фарғона, Самарқанд вилоятлари, Тошкент шаҳри мутахассислари ўзаро фикрлашдилар.

Шунингдек, машғулотда амалий касбий тинглаш, мунозара столи, кўчма амалий машғулотлар, библиографик обзорлардан ҳам фойдаланилди. Амалий таълимнинг тренинг усулига ҳам эътибор берилди.

Бундай машғулотни олиб боришда тренинг усулининг ўзига хос томонлари ёритилди. Савол-жавоблардан фойдаланилди. Шу ўринда айтиб



ўтиш жоизки, тренингни ташкил этишда унда иштирок этувчиларни гуруҳларга бўлиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу беллашувда ғолиблар аниқланади.

Тренинг қуйидагича ўтади:

1. Лекция — тренингда қатнашувчи гуруҳлар тренинг билан фаол ўзаро алоқада бўлиб, у тахминан 25 фоиз вақтни эгаллайди.

2. Амалий машғулот — “жараён” машқлари бўлиб, ташкил этилган гуруҳларда жамоа иши муҳокама қилинади.

3. Гуруҳ ғолиблари маълум мавзу бўйича ўз умумий фикрларини баён этадилар (тахминан 25 фоиз вақтни олади). Тренингни унинг мавзуси билан қизиқаётган турли аудитория тингловчилари, мутахассислар билан ҳам ўтказиш мумкин.

Тавсия этилаётган тренинг таълимнинг бугунги кундаги энг оммалашган ва кенг тарқалган шаклларидан бири ҳисобланади.

**Р.РАТНЕР,**
**Илмий методик бўлим мудираси**

# ШАХСИЙ СЦЕНАРИЙ АСОСИДА

**(Қарши шаҳридаги 15-мактаб кутубхонаси иш тажрибасидан)**

*Мактаб кутубхонаси таълим муассасаси бўлинмаси сифатида Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни асосида ривожланиб бормоқда.*

*“Мактаб кутубхонаси тўғрисида”ги Низомда кўрсатилганидек, у ахборот ва маданий-оқартув бўлинма ҳамда зиё тарқатадиган маданий ва маърифий марказ бўлиб ҳисобланади. У дарсга тайёргарлик кўриш учун материаллар билан қуроллантиришда ўқитувчиларга ахборот, китоб, мақола, дастурий воситалар билан ёрдам берса, машғулотларга материал тавсия этишда ўқувчиларга кўмаклашади. Бинобарин, кутубхона ўз имкониятлари даражасида ўқув фаолияти ва уларни ривожлантиришда китобхонларга хизмат кўрсатади.*

*Мактаб кутубхонаси ўқув маркази сингари муҳим саналарга бағишланган ўқув ҳафталиги, ойлигида фаол иштирок этади — булар кўргазмалар, адабиётлар обзори, адабий ўйин машғулотларидир. Шу тариқа у ижодкор китобхонни тарбиялашда ўсиб келаётган ёш авлодни китобхонликка жалб этишдан иборат асосий вазифасини адо этади.*

*Мактаб кутубхонаси психологик жиҳатдан ўқувчиларни қўллаб-қувватловчи муаммо маркази ҳамдир. Ушбу моделнинг асосий вазифаси китобхоннинг шахсий эҳтиёжини қондиришдан иборат.*

*Бугунги кунда кутубхонанинг ижтимоий аҳамияти, китобга бўлган эҳтиёжи ортиб бормоқда, умумтаълимда мутолаанинг тутган ўрни кучаймоқда. Теле-аудио-видео техникалари болаларнинг китоб ўқишга бўлган қизиқишини сусайтираётганини биз кўриб, билиб турибмиз. Шунга кўра биз кутубхоначилар анъаналарга риоя қилган ҳолда, болаларни китобхонликка кўпроқ жалб қилиш билан боғлиқ янги иш шаклларини излашимиз лозим.*

*Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги 15-мактаб кутубхонаси Тамара опа Маманова раҳбарлигида фаолият кўрсатиб келмоқда. Тамара опа республика “Энг яхши мактаб кутубхонаси” кўрик-танловининг II ўрин соҳибасидир. Бу бежиз эмас, албатта.*



*Кутубхонанинг фонди йилдан-йилга янги адабиётлар, газета ва журналлар билан тўлиб бормоқда. Кутубхонадан китобхонларнинг қадами узилмайди. Мактабда ўтказиладиган тадбирларнинг бирортаси ҳам Тамара опанинг ёрдамисиз ўтмайди. Чунки бу ерда опанинг ижодий, ташкилотчилик маҳоратлари асқотмоқда.*

*Кутубхонада “Китобсеварлар” тўгараги ишлаб турибди. Тўгарак машғулотларида китобхонларнинг китобга инсоният тажрибаси манбаи, шунингдек кутубхонага маънавият ва маданият маркази, маданий алоқалар масканини сифатида ёндашишлари зарурлиги ҳақида маълумотлар берилади. Шунингдек, кутубхона фаолиятида ўйин орқали болаларни китоб ўқишга жалб этиш муҳим ўрин тутади. Масалан “У ким, бу нима” луғати бўйича 5-синфлараро библиографик ўйин ташкил қилинди. Ўқувчилар “химиклар”, “адабиётшунослар”, “тарихчилар” каби гуруҳларга бўлиндилар ва Тамара опанинг берган саволларига луғат орқали жавоб топишга ҳаракат қилдилар. Мусобақа шундай қизидики, болалар ҳатто уйга вазифа олишига, уйда эса берилган саволларга жавоб топиш учун ўнлаб китоб, газета-журналларни титкилашга тўғри келди.*

*Кутубхонада “Ўлкашунослик-чизмачилик” тўгараги ҳам фаолият кўрсатмоқда. Ўлка тарихи, маданияти ҳақида ўлкашунослар зўр бериб материаллар йиғаётган бўлсалар, чизмачи болалар ушбу манбаларни ўзлари чизган хариталар орқали тўлдириб бормоқдалар. Натижада ўқувчиларнинг бўш вақтлари бекорга ўтмаяпти, ўлка тарихи янгидан янги манбаларга тўлиб бормоқда.*

*Адабиётларни тарғиб этиш, китобхон шахсини ривожлантириш, уларнинг ижодий қобилиятларини шакллантириш мақсадида, опа оммалашган “Зинамазина”, “Бўш ҳалқа” каби телевизион ўйинлардан ҳам фойдаланишни режалаштириб қўйган.*

*Бугунги кунда мактаб кутубхоначисидан юксак касбий фаолиятини ўстириш талаб қилинмоқда. Бу бутун бир таълим жараёни билан боғлиқ бўлиб, кутубхона ишини мактаб ҳаёти билан уйғун қўшиб олиб боришни тақозо этади.*

*Тамара опа кутубхонага янги олинган адабиётлардан ўқитувчилар доимо хабардор бўлиб туришлари учун ўқув, методик, илмий-оммабоп, бадиий адабиётларга доир ахборот рўйхатлари тузиб, мураббийлар эътиборига ҳавола этмоқда. Бу хил маълумотлар “Ўқитувчилар бурчаги” орқали оммалаштирилаяпти. Натижада кўпчилик ўқитувчилар кутубхонага тез-тез мурожаат қиладиган бўлиб қолишди. Улар ўз устида ишлашлари, ота-оналар йиғилишларини ўтказишлари, синфда турли кечалар ташкил этишларида ҳамда фанлар бўйича тадбирлар уюштиришда кутубхона ёрдамини доим ҳис этмоқдалар. Зеро, кутубхоначи ўқитувчилар билан алоқани қанчалик яхши йўлга қўйиган бўлса, педагогик вазифаларни шунчалик ижобий ҳал этишга эришади.*

*Бундай ҳамкорлик ўзининг тарбиявий томонлари билан ҳам аҳамиятлидир. Ўқитувчи — ўқувчи — кутубхона ўзаро ҳамкорлиги мураккаб педагогик вазифаларни биргаликда ҳал этиш имконини беради.*

*Кўриниб турибдики, мактаб кутубхонаси фаолияти кўп қиррали бўлиб, ўқувчилар маънавий оламини бойитишда муҳим ўрин тутмоқда. Кутубхонада уюштирилаётган турли маърифий тадбирлар эса, китобхонлар маънавий камолотида муҳим ўрин тутмоқда.*

**Д.ҒАНИЕВА**

# ЯНГИ АССОЦИАЦИЯ



“Таълим тўғрисида” ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг миллий маънавиятни шакллантиришга, истиқлол мафкураси ва маърифатининг ўқув-тарбия жараёнлари сифатини оширишга қаратилган фармонлари талабларидан келиб чиққан ҳолда, халқ таълими муассасалари кутубхоналари ходимлари олдида кучларни бирлаштириш, кутубхоналар ишини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда мувофиқлаштиришдек муҳим вазифалар турибди.

Шу каби вазифаларни адо этиш мақсадида Ўзбекистон педагогика кутубхоналари Ассоциацияси тузилди. Мазкур нодавлат нотижорат жамоат ташкилотининг юзага келишида Ўзбекистон Республикасининг “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат бирлашмалар тўғрисида”ги қонунлари асос бўлиб хизмат қилди.



Педагогика кутубхоналари Ассоциацияси идоралар мутахассислари ўртасида бўлганидек, бошқа идоралар, шунингдек чет мамлакатлар мутахассислари билан ҳам тажриба алмашишни йўлга қўйишни режалаштирмоқда. Педагогик кутубхоналар муаммолари бўйича жамоатчилик фикрини ўрганиш ва уларни матбуотда ёритиш; идора кутубхоналари ўртасида илмий-тадқиқот ишларини мувофиқлаштириш ва қўллаб-қувватлаш; педагогик ўқув юртларида махсус кутубхона-ахборотни ташкил этиш тўғрисида таклиф киритиш ва хулосалаш; кутубхона ходимлари меҳнати ва турмуш шароитларини, меҳнатга ҳақ тўлаш ва пенсия таъминоти масалаларини ўрганиш ҳамда бу борада аҳволни яхшилаш; кутубхона аъзоларининг сифатли ахборот ва библиографик хизматдан фойдаланиш ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, нашриёт ишлари билан шуғулланиш, даврий нашрларни, ахборотномаларни чоп этиш; тадбиркорлик ва фаолиятнинг бошқа турлари билан шуғулланиш ҳам Ассоциацияси алоҳида аҳамият берадиган жиҳатлардир.

Янги Ассоциация Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги Республика илмий педагогика кутубхонаси ташаббуси билан ташкил топди.

Умумий йиғилиш ва Ассоциация Кенгаши уюшманинг бошқарув органи ҳисобланади. Халқ таълими вазирлигининг ўз кутубхонасига эга бўлган муассасалари, шунингдек давлатга қарашли бўлишдан қатъий назар, Ассоциациянинг мақсад ва вазифаларини эътироф этувчи корхона ва ташкилотлар ҳам Ассоциацияга аъзо бўлишлари мумкин.

Ҳозирги кунгача Ассоциациянинг Қашқадарё, Тошкент, Самарқанд, Наманган, Андижон, Хоразм вилоятларида бўлимлари очилди ҳамда бу ҳудуддаги барча мактаб ва мактабдан ташқари муассаса кутубхоналари унга аъзо бўлиб киришди. Улар билан биргаликда таълим муассасаларидаги кутубхоналар муаммолари ўрганилмоқда, семинарлар уюштирилмоқда.

(Ўзбекистон педагогика кутубхоналар Ассоциациясининг юридик манзили: Тошкент–700003, Олмазор кўчаси, 174-уй. Телефон: 45-61-42. Ҳисоб рақами: 20212000704156959001 ИНН 203833443).

***Мактаб кутубхоналари, ўқитувчилар ва мактабдан ташқари таълим муассасалари ходимлари ишини режалаштиришда ёрдам сифатида берилаётган “Саналар, воқеа-ҳодисалар, тақдирлар ва манбалар” саҳифаси билан газетамизнинг 5-, 6-бетларида танишасиз.***

# ТАҚДИРЛАР ВА МАНБАЛАР

## муассасалари ходимлари ишини режалаштиришда ёрдам сифатида)

рида жадидларга қўшилиб, 1901 йилда Тошкентда биринчилардан бўлиб "усули жадид" мактаби очади. Бу мактаблар учун "Адиби аввал", "Адиби соний" каби алифбо ва хрестоматиялар, "Тавжид ал-Қуръон", "География" сингари қўлланмалар тузади.

Ўзбек шоири, ёзувчи, адабиётшунос **Чўлпон** (Абдулҳамид Сулаймон Ўғли 1897-1938) таваллудига 105 йил тўлади. Абдулҳамид Чўлпон 16 ёшлигидан ижод қила бошлайди. У 1918 йилдан сўнг Тошкентга бориб, Фитрат томонидан ташкил қилинган "Чиғатой гурунги" тўгарагида фаолият кўрсатди. Унинг "Булоқлар", "Уйғониш", "Тонг сирлари" номли шеърий тўпламлари, "Кеча ва кундуз" романи ва бошқа асарлари мавжуд.

Адабиётшунос, танқидчи публицист **Вадуд Маҳмуд** (1897-1976) таваллудига 105 йил тўлади. Вадуд Маҳмуд адабий, илмий, маданий-маърифий фаолиятини Самарқандда бошлаган. У 20-йилларда Самарқанд вилояти мориф бўлимининг мудири вазифасида хизмат қилади. Унинг "Болалар тарбияси", "Мактабларда аҳвол", "Маорифимиз", "Мактабларга ёрдам ҳафтаси", "Маориф ишларимиз", "Адабий танқидга бир назар", "Турк шоири Ажзий", "Навоийгача турк адабиёти", ва бошқа кўплаб мақола, рисола ва қўлланмалари мавжуд.

Юқорида келтирилган алломалар ҳақида яна ҳам тўлароқ маълумот олмоқчи бўлсангиз, қуйидаги нашрлардан фойдаланишингиз мумкин: Маънавият юлдузлари: Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар.-Т.:А.Қодирий номидаги халқ мероси нашр.,1999.-400б.

**Маънавият, умуман Шарқ маънавияти ҳақида қуйидаги нашрларни тавсия этамиз:**

Баҳодир Карим. Жадид мунаққиди: Вадуд Маҳмуд.-Т.: Университет, 2000.-104б.

Ибрат. Танланган асарлар: (Ибрат: Сиддиқий-Ажзий: Сўфизода)-Т.:Маънавият,1999.-232б.

Мақсудов Ю. Вадуд Маҳмуд ва Чўлпон //Ўзб.адаб.ва санъати.-1993.-10 сентябрь.

Маҳмудов Т. Мустақиллик ва маънавият: Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов асарлари асосида. Т.:Шарқ,2001.-160 б.

Маънавиятимизнинг ҳаётбахш қудрати.-Т.: Меҳнат, 1999.-176б.

Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари: 7-8-9 синфлар учун дастур.-Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашр.,2001.-48б.

Румий Жалолиддин. Маънавий Маснавий:Куллиёт. Ж.1. К.1.-Т.:Шарқ, 1999.-368б.

Румий Жалолиддин. Ривоятлар ва рубоийлар.-Т.:Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,1994.-48б.

Туленов Ж. ва бошқ. Маънавий юксалиш сари.-Т.: Меҳнат, 2000.-192б.

Туленова Г. Ўзбек халқи маънавияти тарих кўзгусида: Тарихда ўзбек халқининг маърифат, маданият ва маънавияти ҳақида //Халқ таълими.-2000.-№5.-Б.4-8.

Ҳомидий Ҳ. Ўзлигимиз илдизлари қаерда?: Ўрта Осиёда маънавиятнинг тарихи // Маърифат.-1997.-2 апрель.

## АСРЛАР ҚАЪРИГА САЁҲАТ

Шахслар, воқеа ва ҳодисалар мамлакат тарихида. Келгуси ўқув йилида қуйидаги таниқли тарих арбоблари, олимлар, тарихчи-шарқшунослар, бизнинг мамлакатимизнинг фан ва маданият, адабиётшунослик, санъат ва Марказий Осиё тарихшунослиги тараққиётига улкан ҳисса қўшган ўлкашуносларнинг юбилей саналарини режалаштиришни маслаҳат берамиз:

**21 ноябрь** – Таниқли археолог олим, шарқшунос-тарихчи **М.Е.Массон** (1897-1986) таваллудига 105 йил тўлади.

**22 март** – Шарқшунос-тарихчи, археолог ва файласуф **И.Н.Берёзин** (1818-1896) таваллудига 185 йил тўлади.



**9 апрель** – Давлат арбоби, буюк саркарда **Амир Темур** (1336-1405) таваллудига 667 йил тўлади. Олти асрдан ошиқ йиллар олдин Кеш (Шаҳрисабз)нинг Хўжа Илғор қишлоғида ўз мамлакатининг давлатчилик ривожланиши тарихида муҳим роль ўйнаган инсон Амир Темур таваллуд топди. У кўп йиллар давомида мустамлака бўлиб, чет эллик ҳукмдорларга бўйсуниб келган Мовароуннаҳр ва Хуросонда ўз юрти, халқининг куч-қудратига таянган мустақил ва ягона давлат барпо эта олди. У ўз сиёсати билан маданий юксалишга ва туркий тилнинг ривожига кенг йўл очиб, нафақат Марказий Осиёнинг, балки бутун мусулмон олами маданий-маънавий тарихида ўчмас из қолдирди. *Қуйидаги нашрлардан тадбирлар ташкил этишда фойдаланишни тавсия этамиз:*

Каримов И.А. Амир Темур – фахримиз, ғууримиз.-Т.: Ўзбекистон, 1996.-52б.

Каримов И.А. Амир Темур давридаги бунёдкорлик ва ҳамкорлик руҳи бизга намуна бўлаверсин. ЮНЕСКО қароргоҳидаги кўргазма очилиш марсимида сўзланган нутқ, 1996 йил 24 апрель, Париж //Халқ сўзи.-1996.-26 апрель.

Каримов Ғ. Соҳибқироннинг йигитлик даври //Маърифат.-2002.-6 апрель.

Усмонова Н. Буюк соҳибқиронга эҳтиром //Халқ сўзи.-2002.-10апрел.

**26 июнь** — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг бир гуруҳ таниқли тарихчи олимлар, журналистлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувига 5 йил тўлди ва ушбу учрашув натижасида **"Тарихий хотирасиз келажак йўқ"**(1998) асари дунёга келди. Бу суҳбат чоғида Юртбошимиз шундай дейди: "Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади, ушбу ҳақиқатни давлат сиёсати даражасига кўтармоқ зарур". Бугунги кунда "Ўзликни англаш" ва "тарихни билиш" тушунчалари албатта давлат сиёсати даражасига кўтарилган ва бир-бирини тўлдиради ҳамда ажралмасдир. Шу сана муносабати билан қуйидаги мақолани ўқишингизни тавсия этамиз: Сафаров М. Қомати тик ўзбегим: Халқим-ғуурим //Халқ сўзи.-2002.-10 апрель.

__2 август__ – Тарихчи, ўлкашунос-археолог ва Туркистон ўлкаси осори атиқаларини тўпловчиси **И.Т.Пославский** (1853-1914) таваллудига 150 йил тўлади. Фан тарихида И. Т. Пославский фақатгина тарих дурдоналарини тўплаш билан эмас, балки археологик топилмаларнинг аҳамиятини, қадимги обидаларнинг ўрни ва вазифаларини чуқур англаб етган олим сифатида из қолдирган. Унинг топилмалари рўйхатига қатор ўзбек маданий-тарихий ёдгорликлари киради.

**7 ноябрь** — Машҳур сайёҳ, элчи ва машҳур тарихчи **Абдураззоқ Самарқандий** (1413-1482) таваллудига 590 йил тўлади. Абдураззоқ Самарқандий тафсир, ҳадис, тарих, тил ва адабиёт фанларини пухта эгаллаб, унинг "Матлаъи Саъдайн" номли тарихий асари бизгача етиб келган.

Тарих фанининг кўзга кўринган намояндаларидан бири **Мирхонд** (1433-1498) таваллудига 570 йил тўлади. Навоийнинг кўрсатмаси ва ҳомийлиги билан Мирхонд яратган асарнинг номи "Пайғамбарлар, подшолар ва халифаларнинг таржимаи холи ҳақида жаннат боғи" бўлиб, унда дунёнинг "яратилиши"дан то 1523 йилга қадар Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида бўлиб ўтган ижтимоий-сиёсий воқеалар кенг баён этилган.

## ХАЛҚГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ – УЛКАН БАХТ

Ёзувчилик тақдири турлича юзага келиши мумкин. Бири жуда оддий ва омадли бўлса, бошқаси, аксинча жуда мураккаб ва уларни қисқа тарзда баён этиш қийин.

**17 сентябрь** – Ўзбек халқ ёзувчиси, жамоат арбоби, драматург **Абдулла Қаҳҳор** (1907-1968) таваллудига 95 йил тўлади. Бу ёзувчи ижодидаги эпик повестшунослик маҳорати сатира ва юмор жанридаги ижоди билан уйғунлашиб кетади. Унинг ижоди ҳақида қуйидаги мақолалардан янги маълумотлар олишингиз мумкин:

Аминов Н. Самимият: Абдулла Қаҳҳор ижоди ҳақида //Халқ сўзи.-1997.-22 ноябрь.

Жаббор С. Абдулла Қаҳҳорни йўқлаб: Абдулла Қаҳҳор уй-музейида шоирни хотирлаб //Тонг юлдузи.-2000.-14 декабрь.

Зиёдуллаева Т. Жонкуяр устоз: Таниқли ёзувчи Абдулла Қаҳҳор ижоди ҳақида //Ўзбекистон адаб.ва санъати.-1998.-18 сентябрь.

Каримов Н. Адиб сабоқлари: Абдулла Қаҳҳорни эслаб //Тошк.оқшоми.-1997.-19 сентябрь.

Холмирзаева С. Яна Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари ҳақида //Гулистон.-2001.-№4.-Б.22.

**25 октябрь** – Ўзбекистон халқ шоири **Қуддус Муҳаммадий** (1907-1997) таваллудига 95 йил тўлади. XX аср ўзбек болалар адабиётининг йирик намояндаларидан бири Қуддус Муҳаммадий ижоди 30-йилларда бошланган. Унинг "Сандал ва печка", "Ўз-ўзини танқид" каби достонлари ва бошқа ўттиздан ортиқ шеърий тўпламлари мавжуд. Шоирнинг фаолияти ҳақида қуйидаги манбалардан фойдаланишни тавсия этамиз:

Зоиров Д. Бир шеър баёни: Шоир Қуддус Муҳаммадий ижодидан //Бошланғич таълим.-1997.-№3.-Б.18-19.

Толиб Рауф. Болаларнинг бобо шоири: Қуддус Муҳаммадийга бағишлов //Тонг юлдузи.-1997.-11октябр.

**13 ноябрь** – Ўзбек шоири, драматург, таржимон **Усмон Носир** (1912-1952) таваллудига 90 йил тўлади. 30-йилларнинг кўзга кўринган, эл оғзига тушган истеъдодли шоири Усмон Носирнинг "Қуёш билан суҳбат", "Сафарбар сатрлар", "Тракторобод", "Юрак", "Меҳрим" каби шеърий тўпламлари, "Норбўта", "Нахшон", "Нил ва Рим" достон ва поэтик асарлари мавжуд. Адибнинг ижоди ва фаолияти ҳақида қуйидаги мақолалардан фойдаланишни тавсия этамиз:

Алиев А. Тарихнинг тарбиячилиги нимада?: Истиқлол ва миллий қадриятларимиз: Усмон Носир ижоди ҳақида / /Тошк. оқшоми.-1999.-26 май.

Бурхон Убай. Шеърларим янграб қолур: Усмон Носир шеъриятига бағишланади // Тошк. ҳақиқати.-1993.-24 август.

Матжон С. Чақмоқ умрли шоир: Усмон Носирга бағишлов //Тил ва адабиёт таълими.-1992.-№5-6.-Б.13-14.

Маҳмуд М. Усмонни эслаб: Ўтмиш адабиётимиз саҳифалари //Ўзбекистон адаб. ва санъати.-1995.-3 февраль.

**4 декабрь** – Таниқли тожик ва форс шоири **А.А.Лохутий** (1887-1957) таваллудига 115 йил тўлади. Лохутий XX аср тожик ва форс поэзиясининг илк бошловчиларидан бири бўлиб, у ўз ижодини мумтоз тожик ва форс адабиёти анъаналарига суянган ҳолда олиб борди. Шу билан бирга, у дадиллик ила поэзияга ўзининг янги шакл, ўлчам, халқ оғзаки ижоди асосида ясаш-тузатишлар киритган.

**24 декабрь** – Ўзбек болалар шоири, хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси **Пўлат Мўмин** (1922) таваллудига 80 йил тўлади. Пўлат Мўмин ўз фаолиятини дастлаб ўқитувчиликдан бошлаб, кейинчалик адабий ходим, нашриёт бўлим мудири, Маданият вазирлиги қошидаги Санъат бошқармаси ходими вазифаларида ишлади. Унинг ўттизга яқин шеърий тўпламлари мавжуд. Қуйидаги маълумотлардан шоир таваллуди тадбирларида фойдаланиш мумкин:

Назир Ҳ.Меҳр нури ёғар доим юзингиздан: Шоир биродарим Пўлат Мўминга // Ўзбек. адаб. ва санъати.-1997.-26 декабрь.

Сулаймон Й. Одоб ва офтоб куйчиси: Эҳтиром: Пўлат Мўмин ижоди ҳақида //Маърифат.-1997.-29 октябрь.

**31 декабрь** – Ўзбекистон халқ шоири, драматург, ёзувчи, педагог **Ғайратий** (1902-1978) таваллудига 100 йил тўлади. Ғайратийнинг шеърий тўпламлари XX аср ўзбек



адабиёти тарихига жонли саҳифа тарзида кириб борди. Ёзувчи бундан ташқари болалар ва ўсмир ёшларнинг севимли ёзувчисига айланди. Бунга далил унинг "Рустамнинг саргузаштлари" қиссаси ҳисобланади.

Ўзбек ёзувчиси, шоир, тарихчи ва таржимон **Миркарим Осим** (1907-1984) таваллудига 95 йил тўлади. Миркарим Осим тарихчи адиблар орасида асл тарих ҳақиқатини бузмай, қайта бадиий жонлантириши билан ажралиб туради. Унинг асарлари тарихнавис адиблар учун адабий мактаб вазифасини ўтаган. Адибнинг ушбу қиссаларини ўқувчиларга ўқиш учун тавсия этишингиз мумкин: Осим М. Широқ: Тарихий қиссалар.-Т.:Ёзувчи,1995.-208б.

Ўзбек болалар шоири, жамоат арбоби **Зафар Диёр** (1912-1946) таваллудига 90 йил тўлади. Ўзбек болалар адабиётининг кўзга кўринган вакилларидан бири Зафар Диёрнинг 1938 йилда "Қўшиқлар" номли шеърий тўплами нашр этилади. Бундан ташқари, унинг "Тантана", "Шеърлар", "Бизнинг қуролимиз", "Бизнинг оила", "Совға", "Кичкина боғбон ҳақида достон", "Чаман", "Гунафша", "Асарлар", "Қанотли дўстлар", "Сув билан суҳбат" каби тўпламлари босилиб чиққан.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, драматург, публицист, таржимон, адабий танқидчи ва жамоат арбоби **Одил Ёқубов** (1927) таваллудига 75 йил тўлади. Қуйидаги манбалардан Одил Ёқубовнинг ижодий фаолияти ҳақида маълумотлар олиш мумкин:

Жабборов И. Журъатли қалб соҳиби //Адолат.-2001.-9 ноябрь.

Отаев Р. Эл ардоғидаги ёзувчи //Тил ва адаб. таълими.-2001.-№5.-Б.55-64.

Раҳимов З. Заҳматкаш адиб //Тил ва адаб. таълими.-1998.-№5, Б.57-60.

Усмонова Д. Юқори синфларда Одил Ёқубов асарларини ўрганиш //Тил ва адаб. таълими.-2002.-№1.-Б.24-27.

Хуршида. Устоз меҳри // Ўзбек. адаб. ва санъати.-1998.-15 май.



**9 февраль** – Буюк ўзбек шоири, мутафаккир, гуманист, давлат арбоби **Алишер Навоий** (1441-1501) таваллудига 562 йил тўлади. Алишер Навоийнинг педагогик қарашлари инсонпарварлик ғоялари билан йўғрилган. У оилага қувонч ва бахт олиб келувчи боланинг шаклланиши ва тарбиясига катта эътиборни қаратади.

Янги нашрлардан:

Алижонова М. Навоий ижоди бўйича синов дарси: — // Тил ва адаб. таълими.-2002.-№1.-Б.18-20.

Ибодуллаева О. Навоийнинг инсонпарварлиги: // Бошланғич таълим.-2002.-№1.-Б.6-7.

Назарова Э. Даҳолари бор халқ енгилмасдир //Маърифат.-2002.-2феврал.

Қобилова З. "Навоий дафтари" — маҳорат мактаби // Ўзб. тили ва адабиёти.-2001.-№6.-Б.50-52.



**14 февраль** – Ўзбек шоири, давлат арбоби, тарихчи **Заҳириддин Муҳаммад Бобур** (1483-1530) таваллудига 520 йил тўлади. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўрта аср Шарқ маданияти, адабиёти ва шеъриятида ўзига хос ўрин эгаллаган адиб, шоир, олим бўлиш билан бирга йирик давлат арбоби ва саркарда ҳамдир. Бобур кенг дунёқараши ва мукаммал ақл-заковати билан Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласига асос солиб, бу мамлакат тарихида давлат арбоби сифатида номи қолган.

Бобур ҳаёти тарихи ҳақида матбуот нашрларида ўқишингиз мумкин:

Абдуғофуров А. Дунёни забт этган асар: З.Бобурнинг "Бобурнома" асари ҳақида // Тошк. оқшоми.-2002.-13 февраль.

Иброҳим Ҳаққул. "Руҳим яратиб эдинг латофат бирла": Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида //Ишонч.-2002.-13 февраль.

Матқурбонов Қ. Ватанни севмоқ фарздир: Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижодига бағишланган бир соатлик дарс ишланмаси //Маърифат.-2002.-13 февраль.

Муҳаммадхўжаев Ҳ., Йўлдошева Г. "Яхши киши кўрмагай ёмонлиғ харгиз": Бобур ижодига бир назар // Халқ сўзи.- 2002.-14 февраль.

**15 апрель** – Ўзбек-тожик адабиёти улкан адиби, академик, Марказий Осиё тарихи билимдони ва педагог **Садриддин Айний** (1878-1954) таваллудига 125 йил тўлади. Садриддин Айний ушбу ҳудуд халқининг йирик маданият вакили ҳисобланади. Қуйидаги нашрдан С.Айнийга аталган тадбирларни уюштиришда фойдаланишни тавсия этамиз:

Садриддин Айний ҳаёти ва ижоди: Мактаб кўргазмаси ва болалар кутубхонаси учун материаллар: (Альбом):Тузувчи М.Ҳасаний-Т.:Ўқитувчи,1994.-40б.

**18 апрель** – Ўзбек шоири, ёзувчи, драматург **Шуҳрат** (Алимов Гулям Аминджанович (1918-1988) таваллудига 85 йил тўлади. Шуҳратнинг ижоди 1935 йилдан бошланган. Адибнинг ижоди ҳақида қуйидаги янги нашрлардан фойдаланишни тавсия этамиз:

Алиев А. Садоқатли ижодкор: Хотира уйғонса гўзалдир: //Тошк. оқшоми.-2001.-7 май.

Раҳим И. Унинг сиймоси – кўзим олдида: //Тошк. оқшоми.-1999.-2 июнь.

Раҳимжонов Н. Нур — боқийлик муждаси: Шуҳрат лирикасида табиат ва инсон фалсафаси ҳақида //Ўзбек. адаб. ва санъати.-1998.-15 май.

Сайёр. Меҳрибоним: Устоз Шуҳрат сийратига чизгилар //Гулистон.-1999.-№2.-Б.44-45.

**10 май** — Ўзбекистон халқ шоири, ёзувчи, академик ва давлат арбоби **Ғафур Ғулом** (1903-1966) таваллудига 100 тўлади. Ғафур Ғулом ўз ижодини 1923 йилдан бошлаган. Қуйида келтирилаётган нашрлардан фойдаланишни тавсия этамиз:

Норматов К. Ҳайрат: Академик шоир Ғафур Ғуломни ўқиб ва эслаб //Адолат. -2001.-11 май.

Эрназарова Г. Ғафур Ғулом ғуури: Устоз Ғ.Ғулом ижоди ҳақида //Ўзбек адаб. ва санъати.-2000.- 8 декабрь.

Қўшжонов М. Унутилмас воқеа: Шоир Ғ.Ғулом ҳақида хотиралар //Халқ сўзи.-2001.-7 февраль.

Ҳудойқулов М. Ғ.Ғулом ижтимоий ҳажв устаси сифатида: Публицистика ва Ғ.Ғулом ижоди //Тил. ва адаб. таълими.-1999.-№5.-Б.91-98.

**18 май** – Тожик шоири, файласуф, математик **Умар Хайём** (1048-1122) таваллудига 955 йил тўлади. Машҳур ғазалнавис шоирнинг ижоди нақадар серқирра эканини биламиз. Қуйидаги мақолада Умар Хайём ҳақида ва унинг ижоди адабий тақвими батафсил ёритилган: Шомуҳамедов Ш. Умар Хайём: Адабий тақвим //Тил ва адабиёт таълими.-1998.-№4.-Б.74-80.

**20 май** — Ўзбек ёзувчиси, драматург ва жамоат арбоби **Сарвар Азимов** (1923-1994) таваллудига 80 йил тўлади. Ёзувчининг адабий-танқидий фаолияти 1948 йилдан бошланиб, у ўрта мактаблар учун ўзбек адабиёти дастурлари, дарсликлари ва хрестоматияларини яратишда катта меҳнат сарф этган. Бундан ташқари у кўпгина тарихий, драматик ва адабиётшуносликка оид илмий-назарий асарлар муаллифидир. Унинг "Қонли сароб", "Оппоқ тонг қўшиғи", "Юлдузлар жамоли", "Замон" ва бошқа асарлари мавжуд.

Ўзбек сатирик шоири, маърифатпарвар **Завқий** (Убайдулло Солих ўғли 1853-1921) таваллудига 150 йил тўлади. Мустамлака воқелигига ва ижтимоий ҳаётдаги салбий ҳодисаларга танқидий ёндошув, шахслар фаолияти ва табиатидаги ярамаслик, пасткашлик, нопоклик, фирибгарлик каби белгиларига ҳажвий муносабат шоир асарларининг етакчи ғоявий мазмуни даражасига кўтарилди. Қуйидаги мақола Завқий ҳақида баъзи маълумотларни сизга беришига ишонамиз:

Ибодинов А. Завқий Муқимийнинг дўсти эдими? ёки адабиётимиз тарихи ҳақида баъзи мулоҳазалар //Ўзбекистон овози.-2001.-31 июль.

Ўзбек шоири, драматург, педагог ва жамоат арбоби **Мақсуд Шайхзода** (1908-1967) таваллудига 95 йил тўлади. Ўзбек адабиётининг атоқли намояндаларидан бири, машҳур шоир, забардаст драматург, адабиётшунос олим ва таржимон Мақсуд Шайхзода адабий фаолиятини 1929 йилдан бошлаган. Фойдаланиш учун қуйидаги нашрларни тавсия этамиз:

Аҳмедова Ш. Шоирнинг икки тақризи: М.Шайхзоданинг адабий-танқидий қарашларига бир назар //Ўзбек тили ва адабиёти.-2002.-№1.-Б.38-40.

Каримов Н. Эзгулик манзилларида: Ёднома: М.Шайхзода ҳақида //Ўзб. адаб. ва санъати.-1998.-17 июл.

Мамажонов С. "Курашмак керак буюк ғояга эришмак учун": Сўнмас юлдузлар: Шоир ва драматург Мақсуд Шайхзода ҳақида //Халқ сўзи.-1998.-25 декабрь.

Сулаймонов И. Шайхзода қайта туғилган кун: Шоир Мақсуд Шайхзода ҳақида эсдаликлар //Халқ сўзи.-1997.-6 декабр.

## ЮРАКЛАРНИ ЗАБТ ЭТУВЧИ ИСТЕЪДОДЛАР

**5 октябрь** – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, А.Навоий номли Академик театр қўшиқчиси ва режиссери **А.Азимов** (1927) таваллудига 75 йил тўлади.

**11 октябрь** – Ўзбек театршунослик арбоби, актёр, режиссёр ва драматург **Маннон Уйғур** (1897-1955) таваллудига 105 йил тўлади. Маннон Уйғур – Ўзбек театрининг асосчиларидан бири бўлиб, ўзининг сермазмун ижодий фаолияти, ажойиб постановкалари ва эстетик қарашлари билан миллий театр маданиятининг шаклланиши ва камол топишига бебаҳо улуш қўшган атоқли режиссёр, саҳна усталарининг бутун бир авлодини тарбиялаб етиштирган устоз санъаткордир. Қуйидаги нашрлардан улкан санъаткор ҳақида маълумотлар олишингиз мумкин:

Муҳаммаджонов З. Санъаткорлар оғаси //Ўзб.адаб.ва сан.-1998.-6 ноябрь.

Насриддинов Б. Сиймоси кўз ўнгимиздадир. //Халқ сўзи.-1998.-28 ноябрь.

Хайруллаев М. Меҳр. Маннон Уйғур портрети //Ўзб. адаб.ва санъати.-2000.-29 сентябрь.

**25 октябрь** – Ўзбек рассоми, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби **С.Ф.Абдуллаев** (1917-1998) таваллудига 85 йил тўлади.

**12 ноябрь** – Кўзга кўринган ўзбек дирижёри, педагог, жамоат арбоби **Зоҳид Ҳақназаров** (1937) таваллудига 65 йил тўлади.

**20 декабрь** – Машҳур ўзбек киноактери, Ўзбекистон халқ артисти **Раҳим Пирмуҳамедов** (1897-1972) таваллудига 105 йил тўлади.

**31 декабрь** – Ўзбек миллий академик драма театри артисти **Ш.Мағзумова** (1907-1988) таваллудига 95 йил тўлади.

**13 май** – Ўзбекистон халқ артисти, балетмейстер, хореограф ва педагог **Мукаррама Турғунбоева** (1913-1978) таваллудига 90 йил тўлади. Ажойиб рақслар устаси, меҳрибон ва талабчан мураббий, атоқли санъаткор Мукаррама Турғунбоеванинг ҳаёт йўли, меҳнат фаолияти республикамизнинг маданияти, санъати тарихи билан чамбарчас боғлиқдир. Қуйида санъаткор ҳақида яна яхшироқ танишиш учун нашрларни тавсия этамиз:

Абдуқаҳҳор Ф. Рақс маликасига эҳтиром: М.Турғунбоева ҳаёти ва ижоди //Халқ сўзи.-2000.-27 январь.

Каримов Р. Рақс маликаси: Ўзбекистон халқ артисти М.Турғунбоевани эслаб // Ўзб.ад.ва сан.-1999.-28 май.

## 2002—2003 Й. ЮБИЛЯР — КИТОБ, ЖУРНАЛ ВА ГАЗЕТАЛАР

1992 йил январда ташкил этилган **"Бошланғич таълим"** журнали нашрига 10 йил тўлади.

1932 йилда ташкил этилган, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг адабий-бадиий журнали **"Шарқ юлдузи"** нашрига 70 йил тўлади.

Биринчи ўзбек алифбоси **"Устоди аввал"** (1902) нашрига 100 йил тўлади.

## УЗОҚНИ КЎРА ОЛГАН, КЎПНИ БИЛГУВЧИДИР

Эътиборингизга жаҳон фан ва техникаси тарихидан муҳим саналар рўйхатидан фойдаланишни тавсия этамиз:

### 2002 йил

Тошкент метрополитени биринчи линияси қурилиши бошланганига (1977) 25 йил тўлади.

Жаҳонда биринчи бор Ернинг сунъий йўлдоши учирилганлигига (1957) 45 йил тўлади.

Тошкентда биринчи бор улкан радиоэшиттириш станцияси ишга тушганига (1927) 75 йил тўлади.

Рангли телевизор кашф этилганига (1927,Англия, Дж.Бэрд) 75 йил тўлади.

Тошкентда биринчи трамвай ишга тушганига (1912) 90 йил тўлади.

Биринчи космик-ракета тизимлари конструктори С.П.Королев (1907-1966) таваллудига 95 йил тўлади.

Американинг биринчи ракета техникаси кашфиётчи-конструкторларидан бири Роберт Годдард (1882-1945) таваллудига 120 йил тўлади.

Француз физик ва механиги, 1680 йилда биринчи буғли двигател ихтирочиси Дени Папен (1647-1712) таваллудига 355 йил тўлади.

Итальян мўйқалам устаси, олим ва инженер Леонардо до Винчи (1452-1519) таваллудига 550 йил тўлади.

### 2003 йил

"Жаҳон оламида реактив приборлар кашфиёти" номли асар (1903, Россия, К.Э.Циалковский) нашрига 100 йил тўлади.

Академик, атом ядроси физикасини ўрганишга ўз ҳаётини бағишлаган олим И.В.Курчатов (1903-1960) таваллудига 100 йил тўлади.

Ўзбекистон ҳудудидаги Фароб станциясидан то Самарқандгача бўлган темир йўлининг қурилиши бошланганига (1888) 115 йил тўлади.

Ихтирочи, динамик ракета аппаратларининг биринчи лойиҳачиси Н.И.Кибальчич (1853-1881) таваллудига 150 йил тўлади.

Рельслар бўйича ҳаракатланувчи биринчи локомотив қурилганлигига (1803, Англия, Р.Тревитик) 200 йил тўлади.

**Тузувчилар:
М.ГАПАРОВА,
Илмий-библиография бўлими бошлиғи,
М. ДИЛМУРОДОВА,
бўлим библиографи**

***Мактаб кутубхоначиларнинг доимий ҳаракатдаги туман, шаҳар семинарлари ишини ташкил этиш бўйича методик тавсиялар билан газетамизнинг кейинги сонида танишасиз.***

## ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЯТИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

**2002-2003 ўқув йилида Тошкент шаҳрида жойлашган ўқув муассасаларида касб-ҳунар коллежи таълими дастури бўйича 9-синфни битирганлар учун қуйидаги йўналишлар бўйича**

# ҚАБУЛ ДАВОМ ЭТМОҚДА

### 1. 1-Бизнес мактаби
ЙЎНАЛИШЛАРИ:
- Ҳарф териш технологияси
- Юқори ва офсет босма технологияси
- Бухгалтерия ҳисоби
- Полиграфия машина ва жиҳозларини ишлатиш.

*Тошкент шаҳри, 700070, Нурхон кўчаси, 21-уй, тел.: 77-10-56*

### 2. 5-Бизнес мактаби
ЙЎНАЛИШЛАРИ:
- Умумий овқатланиш
- Ресторан иши
- Бухгалтерия ҳисоби

*Тошкент шаҳри, 700048, Ҳамза, 2-тор кўчаси 15-уй, тел.: 67-63-71*

### 3. 6-Бизнес мактаби
ЙЎНАЛИШЛАРИ:
- Радиотехника ва телеаппаратураларни таъмирлаш ва ишлатиш
- Назорат ўлчов асбоблари ва автоматика
- Котиба референт
- Электрон ҳисоблаш машиналари ва компьютер тармоқларни ўрнатиш ва ишлатиш
- Бухгалтерия ҳисоби

*Тошкент шаҳри, 700005, А.С.Банокатий кўчаси, 17, тел.: 191-14-51*

### 4. 7- Бизнес мактаби
ЙЎНАЛИШЛАРИ:
- Бухгалтерия ҳисоби
- Атотранспортни ишлатиш ва таъмирлаш
- Пайвандлаш
- Тикувчилик ишлаб чиқариш
- Умумий овқатланиш

*Тошкент шаҳри, 700194, 3-мавзе, тел.: 21-00-22*

### 5. 8-Бизнес мактаби
ЙЎНАЛИШЛАРИ:
- Умумий овқатланиш
- Савдо
- Ресторан иши
- Бухгалтерия ҳисоби

*Тошкент шаҳри, 700071,Самарқанд дарбоза, 60-уй, тел.: 78-27-43*

### 6. 1-Касб-ҳунар мактаби
ЙЎНАЛИШЛАРИ:
- Қурувчилик ишлари
- Автомобил ишлатиш ва таъмирлаш
- Тикувчилик ишлари
- Бухгалтерия ҳисоби

*Тошкент шаҳри, Астрохон кўчаси, 2-уй, тел.: 191-26-47*

### 7. 3-Касб-ҳунар мактаби
ЙЎНАЛИШЛАРИ:
- Пайвандлаш ишлари
- Радиоэлектрон аппаратларни ўрнатиш ва уларга хизмат кўрсатиш
- Бухгалтерия ҳисоби
- Автотранспорт воситаларига хизмат кўрсатиш ишлатиш ва таъмирлаш
- Электрмонтажчи

*Тошкент шаҳри, 700022, Қушбеги кўчаси, 8-уй, тел.: 53-31-21*

### 8. 4-Касб-ҳунар мактаби
ЙЎНАЛИШЛАРИ:
- Автотранспортни ишлатиш ва таъмирлаш
- Механика йиғиш ишлари
- Бухгалтерия ҳисоби
- ЭҲМ ва компьютер тармоқларини ишлатиш ва ўрнатиш
- Дурадгорлик ва паркет ишлари

*Тошкент шаҳри, 700128, У.Юсупов, Авиасозлар тор кўчаси, 10, тел.: 41-57-44*

### 9. 6-Касб-ҳунар мактаби
ЙЎНАЛИШЛАРИ:
- Тикувчилик ишлаб чиқариш
- Маиший машина ва асбобларни таъмирлаш
- Сартарошлик санъати ва декоратив косметика
- Умумий овқатланиш кичик технологи

*Тошкент шаҳри, 7000, Қорақамиш даҳаси, 1-2, 20-уй, тел.: 48-68-59*

### 10. 8-Касб-ҳунар мактаби
ЙЎНАЛИШЛАРИ:
- Автотранспортни ишлатиш ва таъмирлаш
- Куч агрегатларини йиғиш
- Давлат автоинспекцияси ҳуқуқий фаолияти
- Бухгалтерия ҳисоби

*Тошкент шаҳри, 700098, Қора-қамиш даҳаси, 1-2, 20уй, тел.: 48-68-59*

### 11. 13-Касб-ҳунар мактаби
ЙЎНАЛИШЛАРИ:
- Темир йўл транспортидан фойдаланиш
- Автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш
- Бухгалтер ҳисобчи

*Тошкент шаҳри, 700005, Азиз Қодиров кўчаси, 12-уй, тел.: 191-14-07*

### 12. 14-Касб-ҳунар мактаби
ЙЎНАЛИШЛАРИ:
- Автотранспортни ишлатиш ва таъмирлаш
- Тикувчилик ишлаб чиқариш
- Дурадгорлик ва паркет ишлари
- Котибалик иши
- Бухгалтерия ҳисоби
- Курилиш ва пардозлаш ишлари

*Тошкент шаҳри, 700081, Дўмбирабод кўчаси, 74, тел.: 79-18-82*

### 13. 16-Касб-ҳунар мактаби
ЙЎНАЛИШЛАРИ:
- Умумий қурилиш
- Дурадгорлик ва паркет ишлари
- Автотранспортни ишлатиш ва таъмирлаш
- Тикувчилик ишлаб чиқариш
- Умумий овқатланиш

*Тошкент шаҳри, 700141, Багратион кўчаси, 4-уй, тел.: 60-35-61*

### 14. 17-Касб-ҳунар мактаби
ЙЎНАЛИШЛАРИ:
- Автотранспортни ишлатиш ва таъмирлаш
- Автотранспортни йиғиш
- Юк ташишни ташкил этиш ва автомобил транспорти ҳаракатини бошқариш
- ДАН ҳуқуқий ва маъмурий фаолияти

*Тошкент шаҳри, 700128, Хуршид кўчаси, 83-уй, тел.: 41-38-22*

### 15. 18-Касб-ҳунар мактаби
ЙЎНАЛИШЛАРИ:
- ЭҲМ ва компьютер тармоқларини ўрнатиш ва ишлатиш
- Бухгалтерия ҳисоби
- Автотранспортни ишлатиш ва таъмирлаш
- Тикувчилик ишлаб чиқариш

*Тошкент шаҳри, 700194, Юнусобод, 14 мавзе, тел.: 23-58-53*

### 16. 19-Касб-ҳунар мактаби
ЙЎНАЛИШЛАРИ:
- Тикувчилик ишлаб чиқариш
- Халқ истеъмол буюмларини моделлаштириш
- Бухгалтерия ҳисоби

*Тошкент шаҳри, 700019, Собир Раҳимов кўчаси, 313-уй, тел.: 40-52-64*

### 17. 20-Касб-ҳунар мактаби
ЙЎНАЛИШЛАРИ:
- Радиотехника ва телеаппаратураларни таъмирлаш ва ишлатиш
- Умумий овқатланиш кичик технологи
- Бухгалтерия ҳисоби
- Автотранспортни ишлатиш ва таъмирлаш

*Тошкент шаҳри, 700012, Сирғали 2, 64 а-уй, тел.: 57-74-16*

### 18. 21-Касб-ҳунар мактаби
ЙЎНАЛИШЛАРИ:
- Тикувчилик ишлаб чиқариш

*Тошкент шаҳри, 700060, Чехов кўчаси, 5-уй, тел.: 56-78-83*

### 19. 22-Касб-ҳунар мактаби
ЙЎНАЛИШЛАРИ:
- Автотранспортни ишлатиш ва таъмирлаш
- Юк ташишни ташкил этиш ва автомобиль транспорт ҳаракатини бошқариш
- Бухгалтерия ҳисоби
- Тикувчилик ишлаб чиқариш
- Ёнилғи мойлаш материаллари
- Суғурта агенти

*Тошкент шаҳри, 702050, Юсупов кўчаси, 1-уй, тел.: 170-55-89*

### 20. Янги технология республика Касб-ҳунар лицейи
ЙЎНАЛИШЛАРИ:
- Бухгалтерия ҳисоби
- Металларга ишлов бериш
- Пайвандлаш
- Тикувчилик ишлаб чиқариш
- Дурадгорлик ва паркет ишлари
- Умумий овқатланиш
- Автотранспортни ишлатиш ва таъмирлаш

*Тошкент шаҳри, 700164, м-в Яланғоч, Раҳматуллин кўчаси, тел.: 162-65-03*

### 21. Республика Илмий таълим тажриба мажмуаси
ЙЎНАЛИШЛАРИ:
- Тикувчилик ишлаб чиқариш
- Бухгалтерия ҳисоби
- Дизайн

*Тошкент шаҳри, 700057, Уста Ширин кўчаси, 98-уй, тел.: 48-75-64*

### 22. АЖ. Енгил саноат Касб-ҳунар лицейи
ЙЎНАЛИШЛАРИ:
- Тикувчилик ишлаб чиқариш

*Тошкент шаҳри,М.Мироқилов кўчаси,68-уй, тел.:56-77-08*

### 23. Иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи
ЙЎНАЛИШЛАРИ:
- Банк иши
- Молия
- Бухгалтерия ҳисоби
- Менежмент
- Халқаро бизнес

*Тошкент шаҳри, 700026, Ўқчи кўчаси, 73-уй, тел.: 144-60-81*

### 24. Кечки машинасозлик техникуми
ЙЎНАЛИШЛАРИ:
- Бухгалтерия ҳисоби
- Металларга ишлов бериш

*Тошкент шаҳри, 700048, Ҳамза кўчаси, 6-уй, тел.: 67-06-46*

### 25. Гидрометерология техникуми
ЙЎНАЛИШЛАРИ:
- Метерология
- Гидрология
- Гидрологияда алоқа ва телекоммуникация

*Тошкент шаҳри, 700019, З.Қобулов кўчаси, 45-уй, тел.: 41-40-13*

## ҲУЖЖАТЛАР ҚУЙИДАГИ ТАРТИБДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:

1. Таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисидаги аризалар қабул комиссияси томонидан жорий йилнинг 20 августига қадар қабул қилинади.

2. Қабул қилинувчилар ижтимоий келиб чиқиши ва мавқеи, жинси, тили, миллий мансублиги, эътиқоди, динга муносабати ва турар жойидан қатъи назар тенг ҳуқуқлидир.

3. Қабул ҳайъатига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

— таълим муассасаси директори номига ёзилган ариза;

— ўқувчининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасидан кўчирма (гувоҳноманинг асли қабул ҳайъати томонидан ҳужжатлар қабул қилинаётганда шахсан кўрсатилади);

— 086/у шаклидаги тиббий маълумотнома;

— ўқувчининг доимий яшаш жойидан маълумотнома;

— ўқувчининг 3х4 ёки 4х6 ҳажмидаги 6 дона фотосурати;

— 9-синфни битирганлиги ҳақидаги шаҳодатноманинг асл нусхаси;

— 9-синфни жорий йилда битирмаганлар учун 10-11-синфларда таҳсил олмаганликлари тўғрисда ўзлари ўқиган мактабдан ва маҳалла қўмитасидан маълумотнома.

Ҳужжатлар ўқишга кирувчи томонидан қабул комиссиясига шахсан тақдим этилади.

**Эслатма: Тошкент шаҳар ҳокимияти Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасида қабул бўйича маслаҳат кенгаши фаолият кўрсатмоқда.**

**Телефонлар: 136-05-04, 133-79-87.**

*Қувайт фуқаро мудофааси олий қўмитасининг махсус комиссияси бу панагоҳларнинг 600 таси мактабларда, 150 таси эса шифохоналар ва тиббиёт марказларида ташкил этилганини маълум қилган.*

*Дарвоқе, тадбиркорлик учун ўйинчоқлар ишлаб чиқариш истиқболли йўналиш эканлиги ўз-ўзидан маълум: талаб бор, эҳтиёж бор. Яъни 3 миллионга яқин ўйинчоқ ўйнаш ёшидаги боланинг ҳаммаси — нақд харидор. Ҳозир харидор бору, маҳсулот йўқ.*



# ИРОҚ ДУНЁ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

## КАНБЕРРА

Австралия бош вазири Жон Говард маҳаллий радиода чиқиш қилар экан, АҚШ нинг Ироққа ҳужуми аниқ ва муқаррар, улар бу операцияда иштирок этишимизни сўраб бизга мурожаат қилишлари мумкин, дея айтди. Унинг фикрича, масала жиддий ўйлаб кўрилиши керак. Агарда Австралия манфаатидан келиб чиқадиган бўлинса, Ироқдан тарқалаётган хавф эътиборсиз қолмайди. Саддам Ҳусайнни вақтида тўхтатиш лозим. Йўқса, унинг оммавий қирғин



қуроллари қўшни давлатларга ва Исроилга қаратилиши мумкин.

## ЛОНДОН

Буюк Британия бош штабининг собиқ раҳбари фельдмаршал Брэмэллнинг айтишича, Ироқ операциясида Британиянинг иштирок этиши "1956 йилги суэ авантюраси" ни эслатади. Лекин, ҳарбий зарбалар беришга ҳозирча етарли асос йўқ. Шунингдек, бошқа давлатларга ҳужум қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Гарчи

Гарчи ўтган ҳафта Ироқ ҳукумати БМТ нинг текширув ва назорат комиссияси раиси Ханс Бликс ҳамда унинг инспекторлар гуруҳини музокаралар ўтказиш учун Бағдодга таклиф этганини халқаро кузатувчилар инспекцияни тиклаш йўлида қўйилган биринчи қадам, дея изоҳлашаётган эсалар-да, Кофи Аннан ташкилоти бу борада шошмаяпти. Жумладан Ханс Бликс "Ал - Ҳаёт" газетасига берган интервьюсида, Бағдодга боришга тайёргарлик кўрмаётганлигини айтган. Унинг фикрича, аввало Ироқ инспекторлар гуруҳининг БМТ талаблари асосида мамлакат ичида иш олиб боришларига руҳсат бериши керак. Агарда сафар уюштирилган тақдирда ҳам, мабодо у муваффақиятсиз кечадиган бўлса,



бу ҳол вазиятнинг оғирлашувига олиб келади.

Эслатиб ўтамиз, БМТ инспекторлари 1998 йил АҚШ ва Буюк Британия самолётларининг ҳужумлари бошланишидан бир оз аввал Бағдоддан чиқариб юборилган эди.

## ВАШИНГТОН

Ироқ ҳукумат тепасидан Саддам Ҳусайнни олиб ташлаш ниятида бўлган Қўшма Штатлар Бағдоднинг таклифини умуман рад этган. Президент Жорж Бушнинг Саддам Ҳусайн тузумига нисбатан фикри ўзгарганича йўқ. Бинобарин, Буш "ёвузлик ўчоғи" деб ҳисоблаган мамлакатлардан бири Ироқ ҳисобланади. Шунингдек, у Вашингтонга келган Иордания қироли Абдулло II билан учрашувдан аввал ҳам бу ҳақда муносабат билдириб, Саддамни ўз халқини заҳарлаётган, қўшни давлатларга хавф солаётган ва оммавий қирғин қуроллари ишлаб чиқараётган раҳбар, дея таърифлади.

АҚШ сенатининг ташқи ишлар бўйича қўмитаси раиси, таниқли сенатор-демократ Жозеф Байденнинг айтишича, Вашингтон Бағдод билан урушади. Бу борада ҳал этилмаган ягона масала қолган бўлиб, у ҳам бўлса Қўшма Штатлар операцияни ўзи бажарадими ёки иттифоқдошлари (хорижий давлатлар) билан биргами? Шунингдек, мазкур ҳарбий ҳаракатлар узоқ вақтга чўзилиши ва осон кечмаслиги шубҳасиз.



"Newsweek" журналининг ёзишича, айни пайтда операцияни амалга ошириш бўйича 6 та вариант ишлаб чиқилган бўлиб, ҳозир Давлат департаменти энг мақбул вариантни танлаш устида бош қотирмоқда. Жумладан, уларнинг бирига кўра, бир вақтнинг ўзида Ироқнинг шимолий ва жанубий чегараларидан 225 минг кишилик катта контингент киритилади. Аммо бу вариантнинг муваффақиятли кечиши Ироқ билан қўшни мамлакатларга ҳам боғлиқ. Лекин, бугунги кунда Форс кўрфази давлатларининг Қўшма Штатларни қўллаб-қувватлашлари кўнгилдагидек эмас. Иккинчи вариант, АҚШ нинг махсус кўрсатмаларни бажарувчи (спецназ) бўлинмаларини Ироқ ҳудудига жойлаштириш ва у ердаги мухолифатчи кучлар билан биргаликда қуролли исён кўтариш. Учинчиси эса — афғон варианти. Мазкур "Саҳродаги бўрон II" га мувофиқ аввало ҳаводан туриб оммавий бомбардимон қилиш ҳамда қуруқликда ҳаракатлар олиб бориш. Бунда Бағдодга қўшни мамлакатлар базаларидан эмас, балки Форс кўрфазидаги Америка флотидан фойдаланилади. Қолган учта вариантда ҳам юқоридаги усулларга ўхшашлик кузатилади.

унинг раҳбарияти сизни қониқтирмаган тақдирда ҳам. Бинобарин, бугунги кунда бундай ҳаракатлар фақат ва фақат БМТ розилиги билан амалга оширилиши шарт. Ироқ операциясига Британиянинг аралашиб қолиши эса, Яқин Шарқда юз бера-



жак узоқ муддатли урушга ўзини таваккал тарзда гирифтор қилиш билан тенгдир.

## БЕРЛИН

Германия канцлери Герхард Шредер ўзи раҳбарлик қилаётган Социал демократлар партияси йиғилишида сўзга чиқиб, АҚШнинг Ироққа нисбатан уруш очишига қарши эканлигини айтди. Боиси, унинг сиёсий ва иқтисодий оқибатларини ҳам ўйлаб кўриш керак. Шунингдек, у Вашингтон Бағдодга уруш бошлаган тақдирда ҳам БМТ Хавфсизлик Кенгашининг резолюциясисиз Берлин АҚШни қўллаб-қувватламаслигини айтган. "Германия ўз ташқи сиёсатини жиддий ва осойишта услубда сақлаб қолишда давом этади. Зеро, ҳарбий операциялардаги Германия иштироки БМТ қарорига мувофиқ олиб борилиши билан бирга, бу борада мамлакат парламентининг ҳам розилиги зарур.", деди канцлер.

## МОСКВА

Россия ҳукумати Ироқнинг БМТ инспекторларини Бағдодга таклиф этганини юқори баҳолади. Москвадаги Ироқ элчиси Аббос Халаф Кунфуд "Биз Ханс Бликс инспекторларининг хавфсизлигини таъминлаймиз. Авваллари халқаро ҳамжамият Бағдоднинг қарорини кутган бўлса, энди Бағдод уларнинг жавобини кутмоқда" дея айтган.

## АРАБ ДАВЛАТЛАРИ ЛИГАСИ

Мазкур лига раҳбари Амр Мусса бўлғуси операция Яқин Шарқда барқарорликни издан чиқаради. БМТ инспекторлари эса аҳволни текшириш учун Бағдодга қайтишлари керак. Ироқ бунга қарши эмас, фақат инспекторлар текширувининг айрим шартлари унга маъқул келмаяпти холос, дея фикр билдирди.

## Яқин Шарқ

### АР-РИЁД

АҚШнинг минтақадаги асосий иттифоқдоши саналган Саудия Арабистони ҳам Ироққа нисбатан ҳарбий ҳаракатлар қўлланилишига қарши эканлигини билдирган. Саудия ташқи ишлар вазири шаҳзода Сауд ал-Файзал Теҳронга ташрифи чоғида Саудия Арабистони ва Эрон қарашлари айнан Бағдод масаласида бир-бирига мувофиқ келишини таъкидлади. Ва ислом давлатларига уюштирилажак ҳар қандай ҳарбий операциялардан норозилигини маълум қилди.

### ОММОН

Иордания қироли Абдулло II эса Саудиянинг "Аш-Шарқ Ал-Авсат" газетасига интервью бериб, агар АҚШ Ироқ масаласида эҳтиёт чораларига амал қилмаса, хатоликка йўл қўяди, дея айтди. Унинг фикрича, Ироққа уюштирилажак ҳужум бутун Яқин Шарқ минтақасидаги барқарорликка путур етказиши мумкин.

### МАСҚАТ

Уммон ташқи ишлар вазири вазифасини бажарувчи Юсуф бин-Алави Ироққа ёки Яқин Шарқдаги бошқа мусулмон мамлакатларига нисбатан қўлланилажак ҳар қандай зарбаларга Уммон давлати қарши эканлигини айтди. "Минтақада юзага келган зиддиятни БМТ доирасида ҳал этмоқ зарур. Зеро, Яқин Шарқда доимий тинчлик ва хавфсизликни тиклаш араб давлатларининг асосий мақсадлари саналади.", деди Алави.



### АЛ-ҚУВАЙТ

Ироқ теварагида кечаётган жараёндан эҳтиёт тариқасида Қувайт ҳукумати бомба ҳужумидан сақловчи жамоатчиликка мўлжалланган 750 та панагоҳни тайёрлаб қўйган. "Араб Таймс" газетасининг ёзишича, Қувайт фуқаро мудофааси олий қўмитасининг махсус комиссияси бу панагоҳларнинг 600 таси мактабларда, 150 таси эса шифохоналар ва тиббиёт марказларида ташкил этилганини маълум қилган. Шунингдек айни вақтда мамлакатда сақлаш муддати 7 ойгача бўлган тиббиёт воситалари ва фармацевтика маҳсулотлари стратегияси тузилмоқда. Соғлиқни сақлаш вазирлиги эса маҳаллий ва хорижий фирмалардан тезлик билан четдан қўшимча дори-дармонлар келтиришларини сўраган.

Интернет хабарлари асосида
Камолиддин АЛИОХУНОВ тайёрлади.

## "АЛПОМИШ ЎЙИНЛАРИ" ФЕСТИВАЛИ

*Истиқлол туфайли миллий қадриятларимиз қайта тикланаётганлиги қувонарли ҳол. Зеро мана шу қадриятлар ёш авлодга ўзининг аждодлари қандай турмуш кечирганлигидан дарак беради. 12-14 август кунлари Гулистон шаҳрида миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари фестивалининг республика финал босқичи бўлиб ўтади. Шаҳар марказидаги "Алпомиш" спорт мажмуасида бўладиган мазкур "Алпомиш ўйинлари" фестивалида барча вилоятлар терма жамоалари ўзаро беллашадилар.*

## ШВЕЦИЯДА ЗАФАР ҚОЗОНИЛДИ

*Швециянинг Калибург шаҳрида стол тенниси бўйича ўтказилган Бутунжаҳон ўсмирлар фестивали ҳамюртларимиз учун ҳам муваффақиятли кечди. 50 га яқин давлатлар вакиллари иштирок этган бу нуфузли мусобақада иқтидорли спортчиларимиз Саида Бурхонхўжаева ва Темур Ширеев шахсий биринчиликда ғолибликни қўлга киритишди. Шунингдек, уларнинг укалари Нодира Бурхонхўжаева ва Альберт Ширеевлар эса бронза медаллари соҳиблари бўлишди.*

## ПРЕЗИДЕНТ ТАЙСОН ВА ЛЬЮИСНИ СУДГА БЕРДИ

*Бутунжаҳон бокс кенгаши президенти Хосе Сулаймон америкалик Майк Тайсон ва британиялик Леннокс Льюисларни судга берди. Боиси, бу икки оғир вазнли профессионал боксчиларнинг 8 июнда бўлиб ўтган ўзаро жангларидан аввал ташкил этилган матбуот анжуманида Сулаймонга зарар етказилган. Ва мана шунинг учун у 6 миллион доллар жисмоний ва 50 миллион доллар маънавий зарар учун товон пули талаб қилмоқда. Кўрганларнинг гувоҳлик беришича, ўшанда Нью-Йоркда бўлган матбуот анжуманида Тайсон ва Льюис ўртасида келиб чиққан жанжал вақтида бокс кенгаши президентига ҳақиқатан ҳам жисмоний зарар етказилган.*



*Эслатиб ўтамиз профессионал боксда энг кучли учрашув саналган Льюис-Тайсон жангида темир Майк мағлубиятга учраган эди.*

## АДАМС ФУТБОЛДАН КЕТМОҚДА

*Англия чемпиони Лондоннинг "Арсенал" клуби бош мураббийи Арсен Венгернинг айтишича, жамоанинг кўп йиллик сардори ва фахрий ўйинчиси Тони Адамс клубдан кетмоқда. Лекин 35 ёшли Адамс ўзининг футболдан кетаётганлигини маълум қилганича йўқ. Шунингдек, уни клуб мураббийлари таркибига қўшиш борасида ҳам таклифлар ўртага ташланганича йўқ. Венгернинг фикрича, Адамс ҳозир дам олиши керак ва шундан сўнггина ўз келажаги ҳақида ўйлаб кўриши лозим. Энди у жамоа учун иш бериши қийинроқ.*



*Ёдга олсак "Арсенал" Адамс ёрдами билан 1989, 1991, 1998 ва 2001 йилларда миллий чемпионликни қўлга киритган эди.*

Тошкент шаҳар Ҳамза тумани ҳокимияти томонидан 2002 йил 2 майда рўйхатдан ўтган "GUZAL SALOMAT" хусусий фирмаси тугатилади. Даъволар эълон матбуотда чиққан кундан бошлаб бир ой муддатда қуйидаги телефон орқали қабул қилинади; 98-17-09.

# БОЛАЛИК САЛТАНАТИНИНГ ХАЗИНАСИ

## ёхуд миллий ўйинчоқлар орзусидаги мулоҳазалар

(Давоми. Боши 1-2-бетларда)

— Кўриб турганингиздек, бизда бирорта ҳам Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган ўйинчоқлар йўқ. Уларнинг ҳаммаси чет давлатлардан келтирилган. Олиб келиш ва бошқа харажатлар бўлганлиги учун ҳам уларнинг нархлари баланд. Биз ҳам хоҳлаймиз, ўзимизда шундай ўйинчоқлар ишлаб чиқарилишини. Ҳарна баҳоси ҳам арзонроқ, болаларнинг миллий дунёқараши ҳам ҳисобга олинган бўларди. Ундан кейин ўйинчоқлар савдосида харидорлар кўпаярди. Ҳозир эса якка ҳолдаги харидорларни ҳисобга олмаганда, боғчаларнинг катта миқдордаги харидини кузатмайсиз. Яқинда "Дўмбоқча" номли нодавлат боғчадан ўйинчоқлар олишга келишганида, сотиб олинган нарсаларни олиб бориб, ўрнатиб бериш каби хизматларни кўрсатдик. Лекин улар ҳам бутун фаолиятни қамраб оладиган эмас, балки айрим ўйин турлари учун зарур ўйинчоқларни харид қилишди. Шундай бўлишига қарамай, ўйинчоқ ишлаб чиқарилмаяпти, демасдан, ўйинчоқлар ўрнини тўлдиришга ҳаракат қилаяпмиз. Барибир, ўзимизникига нима етсин! Ортиқча харажату сарфларга ўрин қолмасди...

### ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШИ

Фикрлардан кўриниб турибдики, ўйинчоқларни ишлаб чиқариш муаммоли масала. Ана шу жиҳатнинг амалий сабабларини ўрганиш учун авваллари Тошкент ўйинчоқ фабрикаси номи билан машҳур бўлган, ҳозирда эса "Фарҳод — Семурғ" хусусий корхонасига борганимизда, ўйинчоқлар ишлаб чиқаришга мослашган техник асбоб-ускуналар, цехларнинг ҳувиллаб ётганига гувоҳ бўлдик. Боисини шу ўйинчоқлар ўрнига чорраҳа светофорлари чиқараётган корхонанинг ишлаб чиқариш бўйича директори Бахтиёр Иноғомовдан эшитинг.

— Бундан 5 йил аввал бизда 1001 турдаги ўйинчоқлар ишлаб чиқариларди. (Қўғирчоқнинг ўзидан 20 хил, юмшоқ ўйинчоқларнинг 50 дан ортиқ тури...). Кейинчалик четдан келтириладиган полиэтилин, полипропилин, пластизол каби хом ашё маҳсулотларида муаммолар пайдо бўла бошлагач, ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз таннархи ўзини-ўзи қопламай қолди. Бизга оддийдек туюладиган битта қўғирчоққа энг камида 96 та деталь керак бўлади. Буларнинг ҳар бири учун эса хом ашё зарур. Уларни сотиб олиш учун маблағнинг йўқлиги ўйинчоқлар ишлаб чиқарилишининг тўхтаб қолишига сабаб бўлди. Авваллари эса Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари ичида энг кўп ўйинчоқ бизда ишлаб чиқариларди. Ходимларимиз ҳар бир вилоятнинг миллий урф-удумларини ўрганиб, шулар асосида жойларнинг ўзига хос бўлган ўйинчоқларини, ўзбек халқ эртаклари учун қаҳрамонларни ишлаб чиқарар эдик. Ҳозир ҳам ўйинчоқлар ишлаб чиқариш учун ҳамма ускуналаримиз бор. Агар маблағ масаласи ҳал бўлганида эди, бугундан бошлаб ишлаб чиқаришга киришардик. Яна бир гап. Мабодо ўйинчоқлар ишлаб чиқаришга қизиққан тадбиркорлар бўлса, уларга ёрдам беришга тайёрмиз. Корхонамиздаги қолиплар, андозалардан фойдаланишлари мумкин. Уларнинг ишламай туришидан не фойда!

Суҳбатдошимизнинг тадбиркорлар фаолиятига урғу бергани айни муддао бўлди. Чунки шу хусусда синашта бўлган тажрибалар ҳам талайгина. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказиладиган анъанавий "Ташаббус—2002" кўрик-танлови иштирокчиси, андижонлик Ёрқиной Насриддинова "Ўзбек миллий қадриятларига асосланган қўғирчоқлар ишлаб чиқариш ва кўргазмасини ташкил этиш" лойиҳаси билан 2001 йилда СОРОС очиқ жамияти институти "Кўмак" жамғармасидан грант олиб, шу маблағ эвазига 70 хилдан зиёд миллий руҳда ясалган ўйинчоқларни болалар боғчалари, меҳрибонлик уйлари ва кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига бепул тарқатди.



Шунингдек, тошкентлик тадбиркор Юсуф Аюпов ҳам ўзбекона дизайндаги қўғирчоқлар ва шу усулдаги ўйинчоқларни ишлаб чиқариб, уларни бугунги кунда 200 сўмдан 500 сўмгача бўлган арзон нархларда сотувга чиқарган. Табиийки, маҳсулот ҳажмининг камлиги боис, ўйинчоқлар маълум миқдордагина болалар қўлига етиб боради.

Шундан келиб чиқиб, айтишим мумкинки, тадбиркорман деб бел боғлаб майдонга чиққанлар ўйинчоқлар ишлаб чиқаришга астойдил киришса, мавжуд камчиликнинг (камчилик бўлганда ҳам кичик бўлмаган камчилик!) бартараф этилишига сабабчи бўларди. Дарвоқе, тадбиркорлик учун ўйинчоқлар ишлаб чиқариш истиқболли йўналиш эканлиги ўз-ўзидан маълум: талаб бор, эҳтиёж бор. Яъни 3 миллионга яқин ўйинчоқ ўйнаш ёшидаги боланинг ҳаммаси — нақд харидор. Ҳозир харидор бору, маҳсулот йўқ. Шундай экан, эндиги навбат таклифни ўрганган ҳолда ишлаб чиқаришга киришиш.

### ХОРИЖИЙ ҲАМКОРЛИК САМАРА БЕРИШИ ТАЙИН

Агар бола (2 ва ундан ортиқ ёшдагилар) ўйинни севмаса, ўйинчоқ ўйнай олмаса, бу кичкинтойнинг ривожланишида нуқсон борлигидан дарак беради. Боланинг ҳаётни образли тасаввур қилиши бевосита ўйинчоқлар орқали бўлишини ҳаммамиз биламиз. Шунинг учун барча имкониятни ишга солиб, болалар учун яратилаётган шароитларнинг "Ўйинчоқлар йўналиши"га эътиборлироқ бўлишимиз муҳимлигини яна бир бор таъкидламоқчиман. Бу мулоҳазаларимизга Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи Ҳамида Абдуллаева шундай фикрлари билан қўшилди:

— Фарзандингиз мактабга китоб-ручкасиз боришини ҳеч тасаввур қила оласизми? Боланинг ҳам боғчасида ўйинчоқ бўлмаслигини худди шундай ўйлайверинг. Ўзингиз кўрсатиб ўтганингиздек ўйинчоқлар ишлаб чиқарилиши деярли йўқ аҳволда. Бунинг учун биз мактабгача таълим муассасалари ходимлари билан биргаликда тўпланган тажрибаларни ўрганиб, қатор ўйинчоқлар ишлаб чиқариш бўйича лойиҳалар тайёрладик. Айтайлик, "Она ва бола" давлат дастури вазифалари белгиланаётганда, бу лойиҳаларни тақдим этдик ҳам. Назарда тутаётган ишларимизнинг биринчи кўриниши хорижий ҳамкорларни жалб этиш бўлди. Жумладан, Россия, Франция, Германия, Голландия давлатлари билан биргаликда шартномалар тузиб, ўйинчоқлар ишлаб чиқарилишига киришадиган бўлсак, ўз ғоямиз, йўналишимиз бўйича юқори сифатли, кафолотли ўйинчоқларни болаларга етказиб беришимиз мумкинлигини ҳар тарафлама асослаб кўрсатиб берганмиз. Менимча, ўйинчоқларимизни хорижий техник воситаларда яратсак, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарган бўлар эдик. Сифатсиз маҳсулот кимга ҳам керак, дейсиз? Нимагадир таклифларимиз қоғозларда қолиб кетаяпти. Аммо "Таълим тўғрисида"ги қонунда ҳам, Давлат таълим стандартларида ҳам таълим индустрияси, яъни замонавий технологиялар, ўқув жиҳозлари билан бир қаторда мактабгача таълим муассасаларининг ўйинчоқлар билан таъминланиши ҳам белгилаб қўйилган.

Демак, келажакни кўзлаб қабул қилинган қонунлар ҳам, ҳаётий эҳтиёж ҳам болаларимиз учун энг зарур бўлган ўйинчоқларни ишлаб чиқариш пировард мақсадимиз бўлиши кераклигини кўрсатаяпти. Шу ўринда айтмоқчиманки, жойлардаги мактабгача таълим муассасаларининг ўз-ўзини ўйинчоқлар билан таъминлашларида маҳаллий ҳокимиятлар ҳам ҳиссаларини қўшишса, фойдадан холи бўлмас эди.

Дарҳақиқат, бола таълим-тарбияси учун ўзларини масъул деб билган суҳбатдошимиз каби мутахассислар ўз соҳалари учун зарур бўлган — ўйинчоқларни яратиш учун анчагина изланишмоқда. Лекин халқимизда "Қарс икки қўлдан" деган нақл бор. Бир томонлама ҳаракат барибир натижасиз бўлавериши ўзингизга аён. Шунинг учун масала ечимига даҳлдор бўлган ёки бу ишда ўзини бурчли деб билган мутасаддилар бирваракайига "бир ёқадан бош чиқариб" ҳаракат қилсалар, кўзланган натижаларга, албатта, эришилади.

### ЎЙИНЧОҚНИНГ ЎРНИНИ ҲЕЧ НАРСА БОСОЛМАЙДИ

Ҳозиргина ўйинчоқлар ишлаб чиқариш учун ўрганиладиган таклифлар хусусида тўхталдик. Маълумки, болалар учун зарур ўйинчоқларнинг энг қулай намуна ва андозаларини яратиш, мактабгача таълим муассасаларида етишмайдиган ўйинчоқлар ўрнини босадиган даражадаги воситалар, дидактик ўйинчоқларни ихтиро қилиш, халқимизнинг тарихий анъаналарига асосланган, унутилаёзган миллий ўйинчоқларга қайта ҳаёт бағишлаш, оммавий тарзда ишлаб чиқариш мумкин бўлган ўйинчоқларни аниқлаш, ўтказилаётган машғулотларда ўйинчоқлардан ва ўйин воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда энг яхши, сифатли ўйинчоқларнинг ижодкор муаллифларини аниқлаш мақсадида "Севимли ўйинчоқлар" кўрик-танлови ўтказилади. Мана, шу танловдан чиқарилган хулосалар, билдирилган мулоҳазалар ва таклиф намуналарини ўйинчоқлар ишлаб чиқариш учун дастуриламал бўлиб хизмат қилади, дейиш мумкин. Тадбиркорлар тегишли жойлардан мазкур маълумотларни олиб амалий ишга киришсалар, энг керакли ва самарали йўлни танлаганларига ўзлари амин бўлишлари ҳеч шубҳасиз. Чунки ривожланган технологияда болаларнинг ёш хусусиятлари ҳисобга олиниб, тузилиши ва санитария-гигиена жиҳатдан кафолатли миллий руҳдаги ўйинчоқларнинг бозори касод бўлмайди. Бунинг исботи аён. Ҳар бир дунёга келган фарзанд онадан олган меҳрини биринчи бўлиб қўғирчоғига бериб кўради, эшитган эртагининг қаҳрамонларини тимсоллари туширилган ўйинчоқларда кўради, аждодлари меросини шулар орқали жонли ҳис қилади...

Санайверсак, миллий руҳдаги халқона тарзда яратилган ўйинчоқларнинг фарзанд тарбияси, қолаверса, таълими учун зарур қирралари бисёр. Ана шуларни билганимиз ҳолда хоҳ бола тарбияси учун масъул мутахассислар бўлайлик, хоҳ бошқа соҳа иштирокчиси бўлайлик, ўйинчоқлар ва айниқса миллий ўйинчоқлар ҳақида гап кетганда, бепарво ўтиришга ҳаққимиз йўқ. Оғир олманг-у, бугун хаёлини миллий ўйинчоғи банд этмаган боламизнинг фикри-ёдини хорижнинг турли хил ғоявий мафкуралари остида ишлаб чиқарган "қуролли" ва шу каби бизга ёт бўлган тушунчаларни сингдирадиган ўйинчоқлари эгаллаб бораётганини ҳеч ким инкор эта олмайди. Демакки, комил фарзанд орзусидаги ҳаракатларимиз чиппакка чиқмаслиги учун вақти келганда ҳар биримиз ҳаловатдан кечишга-да тайёр бўлмоғимизгина бу борадаги муаммоларга ечим бўлиши мумкин.

Зеро, болалар оламида ўйинчоқларнинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди ва ўйинчоқлар болалик салтанатининг хазиналаридир!

**Насиба ЭРХОНОВА,**
**"Ma'rifat" мухбири**

